

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ» ФАКУЛЬТЕТИ

«МЕНЕЖМЕНТ ВА СТАТИСТИКА» КАФЕДРАСИ

«ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛДИ»

«Менежмент ва статистика»

кафедраси мудири

_____ проф. М.Қ.Пардаев

Баённома № 11, 2012 йил 12 июнь

**5810700-«Туризм менежменти» таълим йўналиши
ТМН-107 гуруҳ талабаси Умаров Комилнинг “Туризм соҳасида
тадбиркорлик фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш
йўллари (“Камила” меҳмонхонаси мисолида)” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

Проф. М.Х.Хусанов

САМАРҚАНД – 2012

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----------|
| Кириш | 3 |
| I-боб. ТУРИЗМ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ | 6 |
| 1.1. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида туризм тушунчаси ва унинг ривожланиш йўналишлари | 6 |
| 1.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг Ўзбекистон иқтисодий ҳаётида туганган ўрни..... | 9 |
| 1.3. Ўзбекистонда туризм соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг турли босқичларида бошқарув масалалари..... | 15 |
| II-боб. “КАМИЛА” МЕҲМОНХОНАСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ БОШҚАРИШНИНГ ҲОЛАТИ | 24 |
| 2.1. Туризмни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга берилаётган имтиёزلардан самарали фойдаланиш..... | 24 |
| 2.2. «Камила» меҳмонхонаси фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили..... | 31 |
| 2.3. «Камила» меҳмонхонасида тадбиркорлик фаолиятини бошқариш масалалари..... | 36 |
| III-боб. ТУРИЗМ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ | 45 |
| 3.1. Ўзбекистонда туризм соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари..... | 45 |
| 3.2. Хусусий тадбиркорлик соҳасини бошқариш самарадорлигини баҳолаш мезонлари..... | 52 |
| IV-боб. ТУРИСТИК ТАШКИЛОТЛАРДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ҲАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ | 56 |
| 4.1. Маъмуриятнинг ҳавфсиз ва соғлом иш шароити ташкил қилиш мажбуриятлари..... | 56 |
| 4.2. Меҳмонхоналарда ёнғин ҳавфсизлигини ташкил этишда маъмурий-техник хизматчиларнинг мажбурият ва ҳуқуқлари..... | 61 |
| Хулоса ва таклифлар..... | 68 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 74 |

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳон иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб бормоқда. Шу сингари, жаҳон иқтисодиёти ривожланишини бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси белгилаб бермоқда. Бу ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда республикамиз иқтисодиётнинг барча тармоқларида кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб берилмоқда. Сўнги йилларда республикамизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2011 йилнинг юртимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши муносабати билан банк тизимида қатор устувор вазифалар амалга оширилди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, шу жумладан, микрокредитлар ажратиш механизмлари такомиллаштирилди ва янада соддалаштирилди.

Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар ялпи ички маҳсулотнинг 54,0 фоизини ташкил этмоқда. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир. Республикамининг барча туман ва вилоятларида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида бир қанча ислохотлар ўтказилиши билан бир қаторда хизмат кўрсатиш ва туризм соҳасида ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2011 йилнинг ўзида инвентаризация натижасида аниқланган 2 мингта бўш бино кичик бизнес субъектларига ижарага берилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки маълумотларига кўра, 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу

тармоққа ажратилган кредитлар ҳажми 1,4 маротаба ошган ва 2,7 трлн. сўмни ташкил этган. Бундан 485 млрд. сўмни микрокредитлар ташкил этади¹. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар қаторида туризм ва уни ривожлантириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилиши тўғрисида дастурий режалар тузилган. Бозор иқтисодиёти шароитида кучли рақобат юзага келаётгани туристик фаолиятда илғор технологияларни қўллашни тақоза этмоқда. Мамлакатимиз туризмни ривожлантириш орқали туристик фаолиятни яхшилаш ва ички бозорда рақобатни кучайтириш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш замон талаби бўлиб қолмоқда. Мавзунинг долзарблиги ҳам шундан келиб чиққан бўлиб, республикаимизда туризмни ривожлантиришнинг янги усуллари топиш ва асослаб бериш вазифасини кўяди. Мазкур муаммоларни ўрганиш, уларни илмий таҳлил қилиш, бу борада тўпланган билим ва тажрибалар асосида мавжуд муаммоларни ҳал қилишга доир таклифлар киритиш танланган мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот объекти бўлиб Самарқанд шаҳрида жойлашган “Камила” меҳмонхонаси ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Тадқиқотнинг предмети бўлиб туризм соҳаси ташкилотларида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш жараёнлари ҳисобланади.

Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 77 бет бўлиб, 9 та жадвал ва 4 та расмдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари, таркибий тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Битирув малакавий ишнинг биринчи «Туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг назарий асослари» бобида Ўзбекистонда хусусий

¹ И. Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. “Халқ сўзи”, 2011 йил 22 январь

тадбиркорликнинг ривожланиш хусусиятлари, бошқарув тизимининг тузилишини такомиллаштириш ва бунда хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш йуллари ёритилган.

Иккинчи бобда «“Камила” меҳмонхонасида тадбиркорликни ривожлантиришни бошқаришнинг ҳолати» "Камила" меҳмонхонасида иқтисодий ҳолати ва истиқболдаги салоҳияти, менежмент услубларидан фойдаланиш даражаси кўриб чиқилган бўлиб, бевосита тадқиқот объектининг бошқарув ташкилий тузилмасини таҳлил қилиш билан боғлиқ.

Учинчи бобда “Туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари”да бошқарув самарадорлигини аниқлаш масалалари ёритилган.

Тўртинчи бобда туристик ташкилотларда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш масалалари ёритилган.

Хулоса қисмида олинган натижалар асосида тегишли таклифлар ишлаб чиқилган ва уларни амалга ошириш йўналишлари берилган.

I-БОБ. ТУРИЗМ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида туризм тушунчаси ва унинг ривожланиш йўналишлари

Туризм саёҳатнинг хусусий ҳолати сифатида ўзига хос аниқ чекланишлар, тавсифномаси ва кўплаб таърифларга эга.

Саёҳатдан фарқлироқ туризм категорияси кўпроқ иқтисодий таъсиридадир ва келиб чиқиши жиҳатдан икки қиррали ҳисобланади. Туризм –бу аниқ оммавий саёҳат туридир ва шу билан бирга саёҳатларни амалга оширадиган ва ташкил этадиган соҳадир.

Туризмнинг умумий таърифини келтириб, уни ташкил этувчи элементларнинг кенг тавсифини берамиз.

Туризм – бу одамларнинг буш вақтларида ўз доимий турар жойларидан бошқа мамлакат ёки ўз мамлакатлари ичида таъсирот ва дам олиш, соғлиқни тиклаш, меҳмондорчилик, билим олиш ёки касбий амалий мақсадларида саёҳат қилишлари, лекин борган жойларида пул билан рағбатлантириладиган иш билан шуғулланмайдилар².

Бундан ташқари туризмга турли даврларда турлича ёндашилгандир. Бу борада бир қатор тушунчаларни келтириш мақсадга мувофиқ деб биламиз. Туризм сўзининг негизи ҳисобланган «Tour» сўзи лотинча «Tornare» сўзидан келиб чиққан бўлиб, доиравий шакл маъносини англатади. Бу сўз ўз маъносини ўзгартирмасдан бошқа ғарб тилларига ҳам кириб келган. Масалан, французчада «aylanish» маъносига тўғри келувчи «tourner» ва «tour» сўзлари ҳозирги кунда ҳам ишлатилмоқда. Инглизчада эса туризм сўзи, турист сўзидан кейин 1811 йилларда юзага келган. Немисчада эса фақатгина «auslander» (ажнабий ёки хорижий) сўзи ишлатилар эди. 1958 йилда немис тилида алоҳида эътиборга олиниб туризмнинг эквиваленти

² И.В.Зорин, В.А.Квартальнов. Экономика туризма. -35 с

бўлмиш «fremdenverkehr» ёки «tourismus», турист сўзининг эквиваленти эса «tourist» тарзида қўлланила бошланди³. Интернационал Вебстер луғатида тур (tour) нинг маъноси қуйидагича ифодаланган: иш, завқ олиш ўқиш учун қилинадиган саёхат ва бу саёхатлар мобайнида турли хил жойларни зиёрат қилишдан ва режалаштирилган саёхат дастуридан юзага келадиган жараён тур деб аталади. Саёхатчи маълум муддатдан сўнг ўз юртига қайтади. Этимологик хатога йўл қўймаслик ва бу ҳодисанинг чегараларини белгилаш мақсадида туризм сўзини аниқ таърифлашга ҳаракат қилинган, чунки: тадқиқот ва таҳлил қилишда; статистик маълумотларни тўплашда; қонуний ва маъмурий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда, шунингдек улар билан ишлашда; туризмнинг иқтисодий-ижтимоий механизмни белгилашда муҳим касб этади.

Илк маротаба Европалк олимлар туризмни иқтисодий фаолият эканлигини исботлашга ҳаракат қилганлар.

1930 йиллардан кейин Англиядаги иқтисодчи олимлар туризмнинг иқтисодий томонларига чуқурроқ ёндашишган. Норвал ва Огилвиелар туристлар томонидан қилинадиган ҳаракатларни савдо балансига таъсири устида тадқиқотлар олиб боришган⁴.

Булардан ташқари, туризмни айрим соҳаларга мансуб олимлар ҳам тарифлаганлар. Булардан энг машхурлари Mathiot, Glucksmann ва Krapf лардур. Бу олимларнинг таърифларича, истеъмол функциясига вақтинча истиқомат қилиш, саёхат ва тунаш жойлари ҳам киради. Олимлардан хусусан Walter Hunzikerнинг туризмга берган соддагина таърифи, бу соҳанинг илмий пойдевори, деб ҳисобланган «ажнабийларнинг бир жойга қилган саёхатларидан таркиб топган ва давомли истиқомат қилиш, пул ишлашни мақсад қилмасдан, вақтинча тунаб холишларидан юзага келадиган муносабатлар мажмуи - бу туризмдир». Аммо, олим бу таърифни ҳам унчалик тўлиқ эмаслигини айтиб ўтган.

³ Н. Абдусаломова. Халқаро туризмда маркетинг жараёни. и.ф.н. дисс.-ТДИУ, 2001. –б. 34

⁴ Файзиёва Ш.Р. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг иқтисодий механизмни такомиллаштириш. и.ф.н. дисс.-ЎЗМУ, 2006. –б.39

Юқорида кўриб чиқилган олимларнинг илмий қарашларидан келиб чиқиб туризмни қуйидагича таърифлашимиз мумкин:

Туризм, давомлий яшайдиган, ишлайдиган ва муҳим эҳтиёжларни қондирадиган жойлардан ташқарига қилинадиган саёҳатдир. Тунаш вақтинчалик зарурий бир эҳтиёждир. Саёҳатга чиққан ва тунаб ҳолган киши, маълум бир вақтдан сўнг ўзи яшайдиган жойга қайтади.

Саёҳатга чиққан ва вақтинча тунайдиган кишилар асосан туризм қорхоналари томонидан таклиф қилинадиган маҳсулот ва хизматларни талаб қилишади. Бу фаолиятлари мобайнида турли хил воқеа ҳодисалар ва муносабатлар юзага келади.

Ҳозирги кунда истеъмолчилар ҳамма соҳалар бўйича товар ва хизматларни танлаш имкониятига эгадирлар. Бунинг таъсирини туризм соҳасида ҳам кўриш мумкин. Чунки истеъмолчиларнинг талаби доимо ўзгариб туради; улар янги таъсуротларни қидиришади, мода ва кундалик ҳаётининг ўзгариши эса уларнинг фикрларини осонгина ўзгартиради, шу боис истеъмолчи қизиқишларини, нимани афзал кўришларини ва уларнинг муносабатларини билиш ниҳоятда мураккаб жараён ҳисобланади.

Туристлик маҳсулотларни истеъмол қилишнинг қийинлашиши туризм тижоратига ўз таъсирини кўрсатади. Чунки туризм талабида янги сегментлар пайдо бўла бошлади, шу жумладан туризмнинг ҳам янги кўриниши ва шакллари таркиб топди.

Юқори даражадаги туристик хизматларга талаб суръатининг пасайиши кузатилди. Масалан, Германияда 1960-1980 йиллар орасида туристик йўналишлар сони 1,9 марта кўпайди, агар 1960 йилда туристик саёҳатларда аҳолининг 27%иштирок этган бўлса, 1980 йилда бу кўрсаткич 57,7%, 1987 йилда 64,6%ни ташкил этди. Буни қуйидагича изоҳлаш жоиз, чунки туризмда нафақат бойлар, балки аҳолининг умумий қисми ҳам иштирок эта бошлади. 1980 йилларга келиб ўсиш суръати пасайди, бироқ ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори даражадалиги билан мувозанат сақлаб ҳолинди.

Талабнинг тартибга солиниши бир томондан туризм тижоратини ишончилигига кафолат бўлса, иккинчи томондан фирмалар учун хизматлар бозорида ўз «улуши»ни топиш қийинлашиб борди.

Янги ташкил этилган туристик фирмалар учун айниқса, мураккаб шароит юзага келди. Чунки улар ўз маҳсулотларини бозорда позитсиялаштиришлари керак эди.


Жаҳон туризм индустриясидаги ихтисослашув ва диверсификация талабларининг чуқурлашиб бориши, кичик ва ўрта туристик фирмаларни бир мунча қийин аҳволга солиб қўйди. Рақобатнинг ташкилий туризм бозорида кучайишини туроператорлар сонини ўсиб бориши, чет эл рақобатчи фирмаларнинг бозорга чиқиши, туристик хизматлар кўринишидаги маҳсулотларни таклиф қилувчи бошқа субъектларнинг кўпайиши (масалан, Фарбий давлатларда авиакомпанияларнинг туризм бозорига туроператор сифатида кириб келиши) билан изоҳлаш мумкин.

1.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш; солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.

Мустақиллик йилларида кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-қувватланиши натижасида унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 48,2 фоизни, 2009 йилда 50,1 фоизни, 2010 йилда 52,5 фоизни, 2011 йилда эса 54 фоизни ташкил этди ёки 2000 йилга нисбатан 23 фоизга ўсди(1.1-расм).



1.1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади. Хусусан, 2010 йилда кичик бизнес субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилган бўлса, 2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди.

2012 йилда солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши режалаштирилмоқда (1.2-расм).




1.2-расм. Кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари.

Расмдаги маълумотлардан кўринадик, 1996-2012 йиллар мобайнида кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 5 фоизга ёки 7,6 мартага қисқарди.

Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жихатдан қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, 2010 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 2690,2 млрд.сўм кредит ажратилган бўлса, 2011 йилда эса бу кўрсаткич 4041 млрд. сўмни ташкил этди(1.3-расм).

Расмдаги маълумотлардан кўринадик, 2001-2011 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилган кредитлар миқдори қарийб 24 мартага кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича



1.3-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар миқдори.

банк тизими томонидан амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги устувор вазифалар белгилаб берилган:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини 2011-2015 йилларда 2,7 бараварга ошириш;

- халқаро молия муассасалари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдорини ошириш;

- тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш жамғармаларини ташкил этиш, жамғарма маблағларини узоқ ҳамда бориш қийин бўлган жойларда, шунингдек аҳоли зич яшовчи ҳудудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун сафарбар этиш;

- истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириб бориш;

- мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳарид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари беришни янада ошириш ва бошқалар.

Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бандлиги бу соҳага эътиборни янада кучайтиришни, жумладан тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишни кўпайтиришни ва шу асосида янги иш ўринларини

ташқил этиш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришга замин яратиш зарурлигини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги ПҚ – 1501 сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги Қарорига биноан тадбиркорларга қуйидаги имкониятлар яратилди:

- тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ресурслари ҳисобидан кредит беришдан оладиган даромадлари бўшайдиган маблағларни мазкур жамғарманинг ресурс базасини оширишга мақсадли йўналтириш шarti билан юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан 2016 йилнинг 1 январигача озод қилинди;

- устувор равишда олис ва бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларига ажратилади;

- тижорат банкларига кичик тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди;

- жамғарма ҳисобидан кредитлар энг кам ойлик иш ҳақининг икки минг бараваридан ортиқ бўлмаган суммада ажратилиши белгиланди;

- жамғарма маблағлари ҳисобидан кредитлар маҳсулот етиштириш (тамакичилик ва алкогольли маҳсулот ишлаб чиқаришдан ташқари), ишларни бажариш, хизматлар (савдо соҳаси ва умумий овқатланишдан ташқари) кўрсатиш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларга ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-4354-сонли Фармонига мувофиқ тадбиркорларга қуйидаги имтиёзлар берилди:

-2011 йил 1 сентябрдан кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобрақами очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди;

-тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч иш кунидан ошмайдиган муддат билан чекланди.

Хулоса қилиб айтганда, 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда янада ривожланишини таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

- жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолиятига ҳалал бераётган, тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

- ҳудуддаги бўш ёки самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг қисқа муддатларда олинishi ҳамда уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақдим этилиши жараёнларини самарали ташкил этиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш борасида ҳар бир ҳудуддаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва улардан келиб чиққан ҳолда мавжуд барча имкониятларни сафарбар этиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш йўлидаги ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;

- ҳудудлардаги кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши жараёнларига эътибор қаратиш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни қўллаш;

- маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва уларни рўёбга чиқариш йўллари аниқлаш, шу асосда

оилавий бизнесни ташкил этишнинг намунавий шакллари тавсия этиш ва қўллаб-қувватлаш;

- ҳудудларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолият йўналишлари жиҳатидан таркибини такомиллаштириш чора-тадбирларини қўллаш, хусусан, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг турли йўл ва чораларини излаб топиш;

- ҳудудлардаги экспортга маҳсулот чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига аниқ ва таъсирчан ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш;

- ҳудудлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни изчил йўлга қўя оладиган мустақкам иқтисодий соҳага айланишини таъминлаш лозим.

1.3. Ўзбекистонда туризм соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг турли босқичларида бошқарув масалалари

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 1-сентябрда ўзининг мустақилигини қўлга киритиши натижасида мамлакатда иқтисодий ислохотлар жадаллик билан ўтказила бошланди. Шу сингари миллий туризм ҳам шу йиллардан шакллана бошлади. Миллий туризмнинг шаклланиши ва ривожланишига "Ўзбектуризм" МК бош қош бўла бошлади. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда «Ўзбектуризм» МК давлат бошқаруви, ташқи иқтисодий фаолият юритиш ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик юритувчи ташкилот бўлиб ҳисобланади.

Миллий туризм ривожланиши демак шу йиллардан бошланди десак хато бўлмайди. Миллий туризмни ривожлантириш мақсадида ислохотлар босқичма босқич амалаг оширила бошланди.

Миллий туризм тизимида иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи 1992 йилда бошланган дейиш мумкин. Республикада бошланган ушбу ислохот янги иқтисодиётга асосланиб олиб борилди.

Туризм тармоғини иқтисодий ислох қилишнинг иккинчи босқичи 1993-95 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда турмуш ривожланишнинг миллий модели ишлаб чиқилди. Бу босқич туристик хизмат кўрсатишнинг иқтисодий ўсиши билан бир қаторда бир қанча муаммоларни туғдирди. Бу муаммолар янги туристик маршрутларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишнинг яхшилаш, туризмнинг моддий-техник базасни кенгайтириш, бошқарувнинг ташкилий такомиллаштириш ва ҳ.о.лар билан боғлиқ бўлиб, уларни фақат «Ўзбектуризм» МК доирасида ечиш мумкин эмас.

Туристтик объектлар давлат тармоғидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Номерли фондда муҳим ўзгаришлар амалга оширилди.

1993 йил охирига келиб республика туризм тизимида ҳуқуқий ва мустақил балансга эга бўлган 123 ташкилот бор эди.

1995 йилнинг 1 июлида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан бутун мамлакат ҳудудида амал қилувчи ягона туристик виза ўрнатилди (давлат томонидан белгиланган объектлардан ташқари). Туризм ривожнинг иккинчи босқичига қўйилган бошқа бир қадам тарихий ва маданий ёдгорликлар, архитектура иншоатлари, яратилган санъат асарларнинг сақлаш ва кўпайтиришга йўналтирилган «мерос» миллий дастурни Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши бўлди. Бу даврда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хивада халқаро туризм бўйича маҳсус очик иқтисодий зоналар тўғрисидаги низом ишлаб чиқилди. «Ўзбектуризм» МК туроператорлар билан бевосита алоқаларни ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон ҳаво алоқасига эга бўлган мамлакатларда ўз ваколатхоансни (вакил) очди.

Германияда (Франкфурт), Буюк Британия (Лондон), АҚШ (Нью-Йорк), Бирлашган Араб Амирликлари (Шардж), Россияда. (Москва)

1995 - 1997 йилларда туризмни ислоҳ қилишнинг учинчи босқичи амалга оширилди. Бунда хизматлар соҳасида фаол хусусийлаштириш бошланди. 1996 йили «Ўзбектуризм» МК тизимидаги барча туристик объектларнинг умумий соннинг 90 % ти давлат тасарруфидан чиқарилди⁵.

1998 йилдан ўзбек туризмни ислоҳ қилишнинг тўртинчи босқичга кадам қўйилди. Бу қайта тикланиш босқичи бўлиб, экспорт салоҳиятнинг ошиши, валюта, турист, хусусий капитал ва инвестициянинг барқарор оқимни таъминлашга олиб келди. Вазирлар Маҳкамаснинг «Туристтик ташкилотлар ташкил этилишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан «Ўзбектуризм» МК қайта ташкил қилинди ва Ўзбекистоннинг хусусий туристик ташкилотлари Ассоциацияси яратилди.

1999 йилнинг майдан бошлаб туризм иқтисодиётнинг ислоҳ қилишнинг бешинчи босқичи бошланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А Каримовнинг «Туризмни ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони мамлакатда миллий халқаро туризмнинг мавқени, унинг иқтисодий асосларни қатъий белгилаш учун сиёсий асос яратди. Бу ҳужжат билан туристик ташкилотларга қўшимча божхона имтиёзларни яратилди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг дипломатик вакилларида чет элда туризм бўйича маслаҳатчи лавозимида киритишди. 1999 йилнинг августида Парламент «туризм тўғрисида»ги қонунни абул қилди ва иқтисодиётнинг бу тармоғнинг амал қилиш учун ҳуқуқий асос яратилди. Шундай қилиб, МК олдида асосий вазифа-Ўзбекистоннинг туристик компаниясни келажакда ривожлантириш ва такомиллаштириш, унинг халқаро туристик тизимга юқори ривожланган индустрия сифатида қўйиши турибди. Бунинг учун, албатта, иқтисодиётнинг бу тармоғидаги ислоҳотлар стратегияси ва тактикасни доимо такомиллаштириб бориш зарур.

Республика туризм салоҳияти ихтиёрида бўлган резервлар ҳозирча

⁵ «Ўзбектуризм» МК ҳисоботларидан.

“жаҳон стандартлари”га жавоб бера оладиган туризм салоҳиятини барпо қилиш учун сарфланадиган зарур маблағлар ва инвестициялар йўқлиги сабабли фойдаланилмай турибди.

Туристлар оқимини жиддий четлаб қўяётган омиллардан яна бири шуки, туристлар Ўзбекистондаги энг машҳур ёдгорликлар ва бутун шаҳар қурилиш ансамблларини томоша қилиш учун келадилар. Аммо бу объектларнинг туристларни қабул қилиш имконияти нихоятда пастдир. Иқтисодийнинг бозор муносабатларига ўтиши билан хизматларнинг сифати ва номенклатурасига, туризм экскурсия хизматлари кўрсатишнинг турли шакл ва усулларига қўйиладиган янги талаблар илгари сурилмоқда.

Бутун дунёда қўшма корхоналар тузиш, туристик комплексларни ҳамкорликда ишлаб чиқариш ва қуриш, ишлаб турган объектларни янгилаш мақсадларида бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш давлатнинг туризмни ривожлантириш сиёсатидаги энг муҳим йўналишлардан биридир. Республикада америкалик, туркиялик, покистонлик, германиялик, хиндистонлик, италиялик ва бошқа малакатлардан келган тадбиркорлар тенг ҳуқуқли ҳамкорлар сифатида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар тобора кўпроқ ташкил қилинмоқда. Хорижий инвестициялашни имтиёзли йўналишлари қаторига туризмнинг замонавий инфраструктурасни, шу жумладан, транспорт, телекоммуникация, ахборот хизматлари, тадбиркорлик инфраструктураснинг ташкил қилишлар ҳам киради. Буларсиз ҳақиқий бозор муносабатларига ўтиш ва халқаро инвестиция фаолиятни кенг ривожлантириш амалда мумкин эмас. Чет эллик инвесторнинг максимал даромад олишига интилиши ҳамда бу лойиҳани келгусида амалга ошириш учун қулай шарт - шароитлар, хорижий капитал иштирок этган ҳар қандай инвестиция жараёнининг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда миллий туристик модельни шакллантириш жараёни амалга оширилмоқда. Республикада бозор иқтисодиёти шаклланаётган шароитда туризм ўзининг миллий даромадни қайта таъқсимлаш хусусияти асосида миллий иқтисодиётни

барқарорлаштиришнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Бозор иқтисодиётида туристларга асосан хусусий ва тижорат компаниялари хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, агар давлат мақул иқтисодий ва ҳуқуқий атмосфера яратса туризм барқарор ривожланади. Бошқа томондан агар давлат касбий тайёрлаш, табиий ва маданий муҳитни муҳофаза қилиш, ахборот-реклама ишлари расиятчиликнинг енгиллаштириш муаммолари билан шуғулланмаса фақат бозор стихияси ҳуқумронлик остида туризм ривожланишнинг керакли даражасига ета олмайди. Бунда давлат томонидан мос методологияси методик ва амалий ёндашувларнинг ишлаб чиқариш туристик хизматлар бозорнинг ташкил этилишига аҳамият бериш керак.

Ўзбекистон туризмида хизмат кўрсатишни ривожлантиришда ҳар бир ҳудуд ўзининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда туристларга хизмат турларини таклиф этади. Бунда бошқарув ҳам етакчи рол ўйнайди, чунки тўғри бошқарув ривожланишнинг гарови ҳисобланади. Республикамида туристик ҳудудларни ажратишда нафақат туристик соҳанинг замонавий ҳолати, балки мавжуд административ-ҳудудий булим микёсида уни ривожлантириш истикболларини ҳисобга олиш зарур. Бундай бўлиниш миллий туризмни ривожлантиришда ва туристик ресурслардан рационал фойдаланишни тақазо этади. Туризм зоналарини булиниши уларга эркин иқтисодий зоналар макони берилганда ва мавжуд потенциал ресурслардан самарали фойдаланишда жуда катта аҳамиятга эга.

Туризм объекти уч компонентни ўз ичига олади: туризм ҳудуди, туризм ташкилоти ва туризм корхонаси.

Туризм ҳудудини аниқлашда бир неча ёндашув мавжуд, улар қуйдаги саволларга бериладиган жавобларга боғлиқ: туризм сафари учун танланган ҳудудни қандай аниқлаш мумкин ва туризм мақсади сифатида қандай ўлчамларга эга бўлган ҳудуд бозор сегментлари томонидан қабул қилинади.

БТТ дам олиш мақсади, ўқитиш жараёни ёки соғломлаштиришни ташкил қилиш учун зарур бўлган кенг махсус қурилмалар ва хизматларга эга

бўлган ҳудудга туризм ҳудуди деб таъриф беради. Туризм ҳудуди, бу сафар мақсади ва туризм маҳсулотидир.

“Туризм ҳудуди” деб турист сафар мақсади учун танлаган жуғрофий ҳудудни тушунилади. Бундай ҳудудда турист етиб келиши, жойлашиши, овқатланиши ва дам олишини ташкил қилиш учун зарур бўлган ҳамма шароит муҳайё.

Туризм ҳудуди дам олиш нуқтаи назаридан 4 та параметрга эга: турар жой, жой, ландшафт ва экскурсиялар.

Замонавий туризмда ҳудудга таъриф беришда ҳудудни рақобатли бирлик деб тасаввур қилиш керак ва истеъмолга йўналтирилган фикрлашдан фойдаланиш лозим, бутун ҳудуднинг ишлаб чиқариш аппарати фақат истеъмолчининг талабига мос хизматлар мажмуасини ишлаб чиқиши ва бу хизматлар мажмуаси хизматлар мақсади деб тасвирланиши мумкин. Хизматлар занжири истеъмолчининг нуқтаи назаридан хизматларни алоҳида элементларга ажратувчи таҳлилий қуролдир. Истеъмолчи корхонанинг турли хизмат элементларидан фойдаланганда уларни шу ҳудуднинг хизмати ва хизмат сифати деб баҳолайди.

Ҳудуднинг рақобатбардош бирлик сифатидаги стратегик мақсади ҳудуднинг узоқ муддатли рақобатбардошлигини таъминлашдир. Туризм фаолият соҳаси 4 та блокдан иборат:

- коммуникация ва маҳсулотни сотиш;
- туристик анжуманларни ўтказиш;
- туризм иншоатларини фойдаланишга топширишга тайёрлаш;
- туризм инфратузилмасини режалаштириш.

Ҳудуддаги туристларга хизмат кўрсатиш қуйидаги ташкилотлар орасида тақсимланади:

- хокимиятлар (шаҳар даражасида),
- меҳмонхона мажмуалари ва овқатланишни ташкил қилувчилар вакиллари;
- туроператорлар ва воситачилар;

-транспорт ташкилотлари.

Туризм ташкилотлари туризм сиёсатини шакиллантиради, яъни улар туризм учун фойдали асос бўлувчи шу соҳа чегаравий шартларини яратиш ва кўл-остидаги ҳудудлар ривожланишини рағбарлантириши керак. Туризм ташкилотлари хусусий ёки давлат бирлашмалари шаклида бўлиши мумкин. Улар ўз фаолиятларини уч даражада олиб борадилар: миллий (федерал), вилоят ва шаҳар (хокимият).

Масъулият ва мажбуриятларини тақсимлаш бўйича турли даражадаги туризм ташкилотлари орасида қуйдаги функцияларни кўрсатиш мумкин:

-таклиф функцияси энг қуйи поғонадаги ташкилотларга юкланган, улар хизматидан фойдаланувчилар билан ишлашади ва маҳсулотларни яхши билишади;

-манфатлар ҳимояси функцияси ҳар бир даражада бажарилиши керак;

-маркетинг функцияси ҳар бир ҳудуднинг машҳурлиги, аҳамияти, обрўси ва молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бажарилади;

-етақчи тимсолини яратиш ва сақлашни ҳар бир даражадаги ташкилотлар бажариши лозим.

Эски ташкилий тузилма қуйи босқич мансабдорлари юқори мансабдорларига бўйсинишга асосланиб фикрланган ва сиёсий қарорларни акс эттирган. Янги туристик ташкилотлар бозор муносабатлари нуқтаи назаридан иш тутишмоқда. Шундай қилиб, туристик ташкилотлар бозор муносабатлари шароитида сотиш мумкин бўлган турхизматларни яратувчи бошқарув органи ва хусусий ташкилотлардан иборат.

Туризм корхоналари бирламчи ва икиламчи хизмат кўрсатувчи корхонага бўлинади⁶. Биринчи турга қуйдагилар мансуб:

-туроператорлар ва турвоситачилар;

-маҳсус хизмат транспорт корхоналари;

-меҳмонхона ташкилотлари;

Иккинчи турга қуйдагилар киради:

⁶ Буторова Н. В. Менеджмент и маркетинг иностранного туризма. -М: Советский спорт. 1999 г. 43 ст.

-овқатланиш корхоналари;

-умумий фойдаланиш транспорт воситалари.

Минтакаларда бошқарув тизимини ташкил қилишнинг асосий хусусиятлари ҳисоби шу билан биргаликда Ўзбекистон республикаси доирасида административ булиниш натижасида тўртта туристик -Фарғона, Тошкент, Самарқанд-Бухоро ва Хоразм, учта истиқболли –Жиззах, Қарши-Термиз, Ўрта-Қорақалпоқ районларига ажратилган⁷.

Худудий бошқарувни ўз ичига олган Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари Фарғона туристик райони ҳисобланиб, республиканинг шарқий қисмида жойлашган. Табiiй-иқлимий шароитларининг турли хиллиги, мажмуаси билан туристик объектларнинг кўп турлилиги соғломлаштирувчи туризмнинг кенг ривожланиши учун худуддан фойдаланиш имкониятини аниқлайди. Фарғона туристик районининг комплексини шакллантирувчи асосий туристик объектлар бўлиб: археологик ва меъморий ёдгорликлар, саноатлашган комплекслар ҳисобланади. Районда табiiй дам олиш зоналари ташкил қилинган. Улар Сух дарёси, Сарик кўрғонида, Ойдин-кўл кўлида, Андижондан жануби шарқда «Боғишамол», Каркидон сув омборида Соғлаштирувчи туризмнинг марказлари бўлиб Комон сой, Водил, Шохимардон шаҳарлари, «Куксарой» «Ширмонбулоқ» туристик базалар, Андижон сув омбори қирғоқлари ҳисобланади. Бу ерда табiiй имкониятлар анча кенгдир.

Самарқанд - Бухоро туристик районида бошқарувни ташкил қилиш худудий бирлик Самарқанд, Бухоро ва қисман Навоий вилояти худудлари киритилади. Бу районда туризмнинг ривожланиши жаҳонга машҳур бўлган Самарқанд ва Бухоро меъморий ёдгорликлари ташкил қилади. Чўлнинг иссиқ иқлимини ҳисобга олган ҳолда ягона бош режа бўйича қурилган Навоий шаҳрига қизиқишни акс эттиради. Хорижий туризмнинг ривожланиши учун районнинг географик ҳолати жуда қулай. Зарафшон дарёси воҳаси орқали ўтувчи темир йўлларнинг кенг ривожланган тармоғи,

⁷ А.Н.Норчаев. Халқаро туризм. Маъруза матнлари. ТДИУ 2005 й. 65 б.

Зарафшон тоғ тизмаси орқали ўтувчи баланд булмаган давонлари ва яхши йўллари туристлар фойдаланиш учун районни янада имкониятлироқ қилади. Мазкур ҳудудий бирликларда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ўзига хос хусусиятларга эга. Туризм соҳасида тадбиркорлик асосида олинadиган даромаднинг асосий қисми меҳмонхона хизматлари билан боғлиқ ҳисобланади. Бизнинг битирув малакавий ишимизда тадбиркорлик фаолиятини бошқариш масалалари Самарқанд шаҳрида жойлашган “Камила” меҳмонхонаси мисолида кўриб чиқилди.

II-БОБ. “Камила” меҳмонхонасида тадбиркорликни ривожлантиришни бошқаришнинг ҳолати

2.1. Туризмни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга берилаётган имтиёزلардан самарали фойдаланиш

Ҳозирги кунда республикамызда туризм соҳасида 750 дан ортиқ хусусий туристик фирмалар фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг деярли барчаси кичик бизнес субъектлари ҳисобланади. Ушбу фирмалар томонидан кўрсатиладиган туристик хизматлар, яъни туристик маҳсулот турлари хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтдик.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай ташкилотлар бир-бири билан ўзаро интеграциялашувсиз ҳеч қандай ривожланишга эриша олмайдилар. Масалан, автомобиль ишлаб чиқариш компаниялари бу компания маҳсулотларига хизмат кўрсатадиган хусусий автосервисларни амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши керак. Чунки, автосервислар компания томонидан чиқарилаётган автомобилларни таъмирлаш бўйича барча қулайликларга эга бўлса, бу автомобилларга бўлган талаб табиий равишда ошиб боради. Худди шунингдек, туризм соҳасидаги кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳам бир-бири билан ўзаро муносабатда бўлишлари туризм саноатининг истиқболли ривожланишига олиб келади.

Шу билан биргаликда республикамыз иқтисодиётида ўтган йиллар мабойнида инвентаризация натижасида аниқланган қарийб 2 мингта бўш бино кичик тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди. Бунда биноларни ижарага бериш тарифлари тадбиркорлик субъектларининг қаерда жойлашгани ва уларнинг фаолият турига қараб 3 баробардан 10 баробарга қадар камайтирилди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қуйидаги имтиёз ва қулайликлар яратилди:

- махсулотларнинг гигиеник сертификатини амал қилиш муддати илгариги 3 йилдан эндиликда чекланмаган муддатга ўтказилди;

- ташқи рекламани жойлаштириш тарифлари ўртача 20 дан 30 фоизгача пасайтирилди ҳамда айрим ҳудудларнинг қишлоқ жойларида ҳақ олиш бекор қилинди. Бунинг натижасида ташқи реклама берувчи тадбиркорларнинг улуши 34 фоизгача ошди;

- электр энергиясини олди-сотти шартномасида белгиланган ҳажмга нисбатан кам сарфланиши учун жарималар бекор қилинди ва ортиқча сарфлаш бўйича жарималар 50 фоизга қисқартирилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тадбирлари кучайтирилди. Хусусан, 2009 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1 трлн. 850 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишида унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма муассасаларининг ташкил этилиши ва хизмат сифати даражасининг яхшиланиб бориши сезиларли таъсир кўрсатмоқда (2.1-жадвал).

Жадвалдан кўринадикки, бугунги кунда мамлакатимиз кичик бизнес соҳасига ўндан ортиқ турдаги 8 мингга яқин инфратузилма муассасалари хизмат кўрсатиб, фаолият учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда 2009 йилда яратилган жами 940,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларининг 391,8 мингтаси (41,7 фоизи) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келмоқда. Бу ўтган йилдагига нисбатан 4,7 фоизга кўпроқ демакдир. Жами янги иш ўринларининг деярли 21 фоизи турли шакллардаги уй меҳнатини йўлга қўйиш, 7,5 фоизи янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқаришларни қайта қуриш ва кенгайтириш,

деярли 30 фоизи иш жойларини кўпайтиришнинг кўшимча чора-тадбирларини амалга ошириш ҳисобига ташкил этилган. Бунинг натижасида, кичик тадбиркорликда банд бўлганлар сонининг жами иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши 2008 йилда 73,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб 74,2 фоизга етди.

2.1-жадвал

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи мавжуд инфратузилма объектлари (2010 йил ҳолатига, бирликда)

| Инфратузилма объекти номи | Сони |
|--|------|
| Тижорат банклари филиаллари | 1042 |
| Минибанклар | 2318 |
| Ахборот-маслаҳат марказлари | 262 |
| Консалтинг марказлари | 327 |
| Аудитор фирмалари | 113 |
| Ўқув марказлари | 917 |
| Баҳолаш компаниялари | 138 |
| Товар хом ашё биржасининг савдо майдончалари | 204 |
| Микрокредит ташкилотлари | 32 |
| Кредит уюшмалари | 103 |
| Бизнес-инкубаторлар | 34 |
| Суғурта ташкилотлари | 32 |
| Брокерлик идоралари | 1424 |

Манба: Б. Ходиев, А. Бекмуродов, У. Ғофуров. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010 йил

Кейинги йилларда Ўзбекистонга хорижий мамлакатлардан келаётган туристик оқимнинг асосий қисмига кичик ва урта бизнес билан шугулланувчи тадбиркорлар хизмат курсатишмоқда. Улар тлмонидан

курсатилаётган хизматлар хажми йилдан-йилга ортиб бормокда. Бу узгаришларни қуйидаги 2.2-жадвалдан кўришимиз мумкин.

2.2-жадвал.

**Хорижий мамлакатлардан келаётган туристлар оқимининг
ўзгариши (минг киши хис.да)**

| № | Мамлакат номи | 1998 йил | 2004 йил | 2009 йил |
|----|---------------|----------|----------|----------|
| 1. | Япония | 8,481 | 9,579 | 11,209 |
| 2. | Голландия | 1,019 | 2,712 | 2,866 |
| 3. | Англия | 4,983 | 5,107 | 5,610 |
| 4. | Германия | 13,681 | 14,731 | 15,476 |
| 5. | АҚШ | 11,731 | 12,084 | 10,340 |
| 6. | Италия | 3,897 | 5,782 | 6,148 |
| 7. | Франция | 12,871 | 14,869 | 16,155 |

Манба: «Ўзбектуризм» МК 2010 йил

Бундан кўринадики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида амал қилмоқда.

Статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, хорижий туристларнинг асосий қисми Япония, Франция, АҚШ ва Германияга тўғри келади. 2008-йил “Ўзбектуризм” МК томонидан ишлаб чиқилган ва таклиф этилган туристик маршрутлар шуни кўрсатадики, хорижий туристлар қуйидаги йўналишлар бўйича кўпроқ саёҳат қилмоқдалар ва хорижий туроператорлар ҳам ушбу маршрутларга талабгор бўлмоқдалар (2.3-жадвал).

Ўзбекистондаги туристик маршрутлар

| Т-С* | Т-С-Б-Т | С-Б-Х-Т | Т-С-Б-У-Т | Т-С-Ш-Б-У-Т | Т-Х-Б-С-Т-Ф |
|---------------------------------------|-------------------|--------------------|--|--|--------------------------------|
| Украина Италия Англия Греция | Исроил Франция | Англия Германия | Япония Швейцария Греция Белгия Покистон Германия АҚШ | Италия Германия Швейцария Франция Англия | Исроил Франция Голландия |

Изоҳ: Т–Тошкент, С–Самарқанд, Х–Хива, Б–Бухоро, У–Урганч, Ш–Шаҳрисабз, Ф–Фарғона.

Манба: «Ўзбектуризм» МК 2010 й.

Жадвалдан куришиб турибдики тадбиркорлар келгусида уз йуналишларини кандай белгилаб олишлари бозорлар сигимига богликдир. Тадбиркорлар интернет тармоғига тўғридан–тўғри уланадиган, янги хорижий ҳамкорлар топиш имкониятини узлари яратишлари лозим. Улар веб-портларини вужудга келтириш борасида хар кандай тусикларни енгиб утишлари лозим ва инглиз, немис, француз ва япон тилларидаги ахборот услубий маълумотномаларни узатишлари мақсад сари интилишга ёрдам беради.

Юқоридаги бўлимларимизда айтиб ўтганимиздек, туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес субъектлари мос равишда бевосита ва билвосита фирмаларга бўлинади. Бевосита тадбиркорлик субъектлари туризм соҳасига тўғридан-тўғри алоқаси бўлган хар хил туристик саёҳатларни уюштирувчи агентликлар, туризм операторлари, хусусий меҳмонхоналар, кемпинглар, хусусий санаториялар ва пансионатлар, хусусий ижара уйлари ва умуман олганда, туристик

хизматларни кўрсатувчи барча фирмаларни ўз ичига олади. Билвосита тадбиркорлик субъектлари эса, мамлакатимиз ички бозорларида чет эллик туристлар эҳтиёжини қондирадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ўз ичига олади.

Маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимизда халқаро туризмнинг жаҳон андозаларига мос келадиган жиҳатлари эндигина ривожланаётганлиги боис туристларга туристик хизматларни кўрсатиш борасида талайгина қийинчиликларга дуч келинмоқда. Булар бевосита туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатнинг яхши ўрнатилмаганлигига бориб тақалади. Биз қуйида ана шу муаммони ҳал этиш йўллари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдириб ўтмоқчимиз.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ўзининг кўплаб тарихий кадамжолари ва зиёратгоҳлари, кўхна ва навқирон буюк шаҳарлари билан бирга гўзал ва хушманзара табиати, сержило дарёлари-ю кўллари, ажойиб ҳайвонот олами, дашту-чўллари, бепоён текисликлари-ю тоғу-тошлари, ўрмонзорлари каби бойликларига ҳам эгадир. Ҳозирги кунда мамлакатимизга ташриф буюрадиган чет эллик туристларнинг саёҳатларини ташкил этиш борасида фаолият кўрсатаётган туристик агентликлар ўз фаолият доирасини мана шундай туризм ресурслари ҳисобидан кенгайтиришга ҳаракат қилишмоқда. Бирок, бу борада туристик агентлар билан бошқа шу соҳага тааллуқли кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатнинг замон талабларига мос равишда шаклланмаганлиги натижасида кўплаб тўсиқларга дуч келинмоқда. Бунинг учун, *биринчидан*, маркетинг тадқиқотларини амалга оширадиган кичик хусусий компаниялар билан туристик агентлар ўртасидаги ўзаро муносабатни қарор топтириш керак. Туристик агентликлар янги ташкил этилганлиги боис уларда хизмат кўрсатувчи персонал миқдорининг камлиги ва бундан ташқари тажрибали маркетингларнинг етишмаслиги туфайли улар туристлар учун қандай

туристик маҳсулотларга эҳтиёж борлигини, шунингдек, бу туристик маҳсулотларни туристларга реклама қилиш борасида қийинчиликларни бошидан кечиришмоқда. Маркетинг тадқиқотларини ўтказувчи агентликлар эса ўзларидаги маркетинг хизматларини туристик агентликларга таклиф этишса, бу муаммо ҳал бўларди. Улар ҳам маҳаллий, ҳам чет эллик туристларнинг қандай туристик маҳсулот турларига эҳтиёжлари борлигини тўлиқ ўрганиш имкониятига эгадирлар. Бундан ташқари, бу агентликлар мамлакатимизнинг хушманзара ҳудудларини чет элларга реклама қилишлари ҳам туристик агентликларга қараганда осондир. Бунинг сабаби, маркетинг тадқиқоти ўтказувчи агентликларда ҳам тадқиқот ўтказиш, ҳам реклама уюштириш учун етарли даражадаги моддий-техник базанинг шаклланганлигида ўз ифодасини топади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, агарда туристларга мамлакатимизда мавжуд туризм ресурслари етарли даражада реклама қилинса, у ҳолда туристларнинг мамлакатимизга бўлган қизиқиши янада ортади. Бу эса туризм соҳасида фаолият кўрсатадиган кичик ва ўрта бизнес субъектлари салмоғини ошишига олиб келади.

Иккинчидан, туристик агентлар билан дам олиш санаториялари, меҳмонхоналар ва кемпинглар бевосита алоқа ўрнатиши керак. Масалан, Жиззах вилоятида Зомин тоғ тизмасида Зомин дам олиш санаторияси жойлашган бўлиб, бу санаториянинг атрофида кўплаб дам олиш пансионатлари фаолият кўрсатишади. Бирок, ачинарли томони шундаки, санаторияга ҳам, пансионатга ҳам чет эллик туристлар деярли ташриф буюрмайди. Ваҳоланки, Зомин тоғ тизмаси иккинчи Швецария деб юритилади. Туристларнинг бу дам олиш зонасига камдан-кам ташриф буюришларига асосий сабаб қуйидагиларда ўз ифодасини топган.

-Зомин тоғ тизмаси манзаралари етарли даражада реклама қилинмайди;

-Зомин тоғ тизмасига етиб бориш учун автотранспорт йўллари жаҳон сифат андозалари талабларига жавоб бермайди;

-Санатория ва пансионотлардаги шарт-шароитлар ҳам жаҳон сифат андозаларига мос келмайди.

Бу каби муаммоларни хал этиш учун санаториялар ва пансионотлар туристик агентлар билан мунтазам равишда ўзаро алоқани ўрнатишлари керак. Санаториялар ва пансионотлар маъмурияти автомобил транспорт йўлларини жаҳон сифат андозаларига жавоб берадиган даражага келтириш учун ташаббус кўрсатишлари, туристик агентлар билан келишган ҳолда ўз биноларидаги шарт-шароитларни яхшилашлари, шунингдек, дам олиш зонаси билан вилоят марказлари ўртасидаги замонавий транспорт воситалари катновини тўғри йўлга қўйишда ташаббус кўрсатишлари керак ва хоказо.

2.2 “Камила” меҳмонхонаси фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

Бозор иқтисодиёти шароитида Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда, лекин бу билан чекланиб қолмаслик керак. Бизга маълумки кўпгина давлатларда сайёҳлик даромад олиш ва аҳолини иш билан таъминлашда энг асосий ўринда туради. Хорижий хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланган мамлакатларда, яъни Австрияда 90 йиллар бошида ЯИМнинг 26 фоизига етган эди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда сайёҳликнинг миллий моделини шакллантириш жараёни бормоқда. Республикамизда ҳозир сайёҳлик миллий даромадни қайта тақсимлаш туфайли иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг муҳим омилига айланиб бормоқда. Кейинги йилларда сайёҳлик иши билан фақатгина давлат эмас балки иқтисодиётнинг нодавлат сектори ҳам шуғулланмоқда. Ўзбекистон туризмнинг иқтисодий жаҳон бозорига ўзига хос тарзда кириб бормоқда. 1994 йилда «Ўзбектуризм» миллий кампанияси тажрибали сайёҳлик агентликлари ва туризм операторлари билан алоқа ўрнатиш ҳамда туристик маҳсулотларимизни реклама қилиш мақсадида 27 та давлатга 99 та шахс юборилди.

Ҳозирги кунда «Ўзбектуризм» миллий кампаниясининг Самарқанд филиали ҳамда ҳукуратимиз томонидан амалга оширилаётган бир қатор тадбирлар натижасида Самарқанд вилоятида йилдан-йилга кириб келаётган туристлар сони ошиб бормоқда.

Самарқандда ташриф буюраётган меҳмонхоналар ва сайёҳларга кўрсатилаётган хизматлар сони ва сифатини янада ошириш, меҳмонхоналарда хизматлар ҳажмини кўпайтириш, тарихий обидаларимиз атрофи ва туристик маршрутларда кенг ободончилик ишларини олиб боришни йўлга қўйиш мақсадида кўплаб ободонлаштириш ва қурилиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда. Сайёҳлик фирмалари ва меҳмонхоналар ичида “Камила Орзу” хусусий фирмасига қарашли “Камила” меҳмонхонаси фаолияти диққатга сазовор. Меҳмонхона 7 йилдан буён жойлаштириш хизматлари бозорида фаолият кўрсатиб келади.


2.4-жадвал

МЧЖ “Камила-Орзу» меҳмонхонасининг кўрсаткичлари

| № | Кўрсаткичлар | ўлчов бирлиги | Йиллар | | | | |
|---|-------------------------------------|------------------|--------|-------|-------|-------|--------|
| | | | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 |
| | Меҳмонхонадаги жойлар сони | ўрин | 30 | 30 | 30 | 30 | 30 |
| | Люкс | | 5 | 5 | 5 | 5 | 5 |
| | Оддий | | 25 | 25 | 25 | 25 | 25 |
| | Ўртача бандлик даражаси | коэффициент | | | | | |
| | Меҳмонхонанинг бир йиллик даромади. | минг сўм | 37365 | 12455 | 63400 | 89006 | 102663 |
| | Меҳмонхонанинг бир йиллик ҳаражати | минг сўм | 35130 | 43250 | 52250 | 71575 | 79998 |
| | Умумий туристларнинг келиши | киши | 2850 | 3800 | 4200 | 4585 | 4916 |
| | Маҳаллий туристлар | | 1540 | 2500 | 3092 | 3460 | 3827 |
| | Хорижий туристлар | | 1310 | 1300 | 1108 | 1125 | 1088,8 |
| | Ходимлар сони | киши | 8 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| | Жойлар нархи | минг сўм | | | | | |
| | Люкс | | 6 | 15 | 15 | 25 | 30 |
| | Оддий | | 5 | 10 | 10 | 18 | 20 |

Меҳмонхона Самарқанд шаҳри, Б. Марғилоний (Артём) кўчаси 26-уйда жойлашган. Шаҳарнинг марказга яқин қисмида жойлашганлиги унинг кўпроқ туристларни жалб этишига имкон беради. Шу ўринда меҳмонхонанинг асосий фаолият кўрсаткичларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ (2.4-жадвал).

Одатдаги хусусий меҳмонхона катта бир ёки икки каватли миллий услубдаги ховлига эга булган уй қурилишида булади. Номерлар сони ҳам унча куп булмайди, яъни 10-20 та номерга эга булиши мумкин. «Камила» меҳмонхонасида 20 та номер мавжуд, умумий сифими 30 ўрин (2.1-расм).



Хусусий меҳмонхоналарда яшаган меҳмонларда нафакат «Шаркий колорит» (ганчкорлик, ёгоч уймакорлиги, керамика ва мебель, гиламлар, сузаналар ва хоказолар), балки у ердаги персонал муомаласи ва меҳмондустлиги, хизматларнинг куплиги ва юкори даражадаги курсатиладиган хизмат ҳам чуқур таассурот колдиради. Меҳмонхонанинг юкланиш даражаси ҳам йиллар давомида ўсиб борган (2.5-жадвал).

Бироқ бу сектор корхоналари камчиликлардан ҳам холи эмас. Биринчидан, уларнинг жойлашуви. Агар йирик меҳмонхоналар одатда шаҳар марказлари ва уларнинг асосий автомагистраллар яқинида жойлашган булса, хусусий меҳмонхоналар купинча машина бориш кийин булган жойларда қурилган булади. Хар қандай четдан келган одам ҳам машинасини номаълум жойда колдириб, чала ёритилган тор куча орқали бир қанча масофа пиёда юришга рози булмаслиги ҳаммамизга тушунарли. Иккинчи камчилик – кам

номер фондига ва овкатлантириш объектларининг кам одамга хизмат курсатиш имкониятига эга булиши.

2.5-жадвал

**2008-2010 йиллар давомида «Камила» меҳмонхонасининг
юкланиш даражасининг ўзгариш динамикаси**

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | |
|---------------------|--------|------|------|
| | 2008 | 2009 | 2010 |
| Одам-кеча | 4858 | 5334 | 5133 |
| Юкланиш даражаси, % | 48,2 | 53,4 | 52,3 |

Бу эса туристик гуруҳлар келиши, конференция, семинар, турли учрашувларни утказиш имконидан махрум килади. Хусусий уйларда ресторан булмади, факат меҳмонхона ва ошхона булади. 20 кишидан купчиликка бир вақтнинг узида таом тайёрлаш, бунинг устига танаффус пайтида уларнинг хаммасини овкатлантириш – кичик меҳмонхона персонали учун сезиларли даражада кийин ишдир. Учинчи масала – хавфсизлик. Маълумки, катта меҳмонхоналар яхши курикланади, кичик (хусусий) меҳмонхоналарда эса мижозлар хавфсизлиги имкони борича таъминланади. Туртинчи муаммо – таниклиликнинг етарли эмаслиги. Купгина расмий шахслар ва корпоратив мижозлар 80 ва хатто 90% яшаш нархини тежашдан воз кечадилар, чунки улар хусусий меҳмонхоналар тугрисида етарлича маълумотга эга эмас. Бешинчи муаммо – барча колувчилар учун нархларнинг бир хиллиги. Бозор мантиги нуктаи назаридан караганда хаммаси жойида ва бир кечага нарх хам 25 – 35 доллар туради.


«В&В» меҳмонхоналаридаги хизмат курсатиш даражаси тулалигича халқаро стандартларга мос келади. Номерлар замонавий жихозлар билан таъминланган. Йирик меҳмонхоналарга нисбатан уларнинг устун томони – бундай меҳмонхоналарнинг эгилувчанлиги мижозларнинг исталган талабларини сезиларли даражада паст нархларда, тез ва сифатли кондира

олиш кобилиятидир. Бу меҳмонхоналар, «В&В» деб руйхатга олинсада, аслини олганда улар курсатадиган хизматлар кулами жуда кенг: маиший кулайликлар килиб беришдан тортиб туристларга хизмат курсатиш ва семинарлар утказишгача булиши мумкин.

Меҳмонхонада саёхатчининг куп маиший муаммоларини хал этади. Хар холда унга кийим ювиш, чойшаблар тозалиги ва нонушта хакида кайгуришига тугри келмайди. Аммо буларнинг хаммаси учун тулашга тугри келади. Агар одам унинг яшаш жойидаги бутун сервиснинг жойнинг вакти билан тозалаб турилиши ва чойшаблар алмаштирилишига, овкат тугрисида узи уйлашига рози булса, унда яхши таъмирланган, энг замонавий маиший техника билан таъминланган яхши, кулай квартирани ижарага олиш мумкин. Ва бу хатто «В & В» типидаги меҳмонхоналар номеридан хам арзонга тушади. Тошкент маркази ёки бевосита унга якин жойдан икки хонали квартирани киска даврга суткасига 15-20 доллардан, уч хонали квартирани – 25 доллардан, 30 долларга эса меҳмонхонаси ва иккита ётокхонаси бор кичикрок уйни ижарага олиш мумкин. Яна бу нархлар уй эгаларига миждоз топиб бериш учун шартнома киладиган фирма ёки хусусий шахслар – воситачилар нархларидир. Агар бевосита уй эгаси билан келишиладиган булса, уй ёки квартирани янада арзонга топиш мумкин, аммо жой излаш учун куп вакт кетиб колиши мумкин. шунинг учун энг яхши усул – Узбекистонда аввал яшаганлардан, ёки уз мамлакати элчихонаси ходимларидан маслахат олишдир.

Ушбу тахлилдан куришиб турибдики, умуман олганда жуда киммат янги ёки юкори хизмати билан ажралиб турмайдиган эски меҳмонхоналарни танлаш унчалик хам шарт эмас. Аммо шуни айтиш керакки, Узбекистонга кам муддатга келувчилар барибир, биринчидан – сервис борлиги учун, иккинчидан – куп вақтни оладиган хорижий фукаралар регистрациясининг мажбурий жараёнларидан кочиш учун меҳмонхонада яшашни афзал курадилар.

Шартли равишда меҳмонхона хизматлари қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади (2.2-расм)



2.3-расм. Меҳмонларга хизмат кўрсатиш жараёнлари кетма-кетлиги

Бунда номерлар таркиби ва нархи, мавжуд бепул ва қўшимча тўлов асосида кўрсатиладиган хизматлар ҳақида тегишли ахборот бериш миждозлар учун муҳим аҳамиятга эга.

2.3. «Камила» меҳмонхонасида тадбиркорлик фаолиятини бошқариш масалалари

Меҳмонхона қабул қилиш ва жойлаштириш хизмати меҳмонларнинг меҳмонхонага келиб меҳмонхонадаги биринчи учрайдиган хизмати ва жойи ҳисобланади. Ундан олган таъсуроти, яъни биринчи танишиш жараёнидан меҳмонларнинг меҳмонхона хизмат кўрсатиш ҳақидаги умумий таъсуротини белгилайди. Бу хизматнинг асосий функциясига юқорида кўрсатилганидек:

меҳмонхона жойини (номерини) бронлаш, меҳмонларни регистрациядан ўтказиб жойлаштириш, меҳмон кетиш вақтида ҳисоб-китобни ўтказиш, шу билан бирга турли хилдаги маълумотларни бериш киради. Шунинг учун ҳам меҳмонхона ходимлари қандай лавозимда бўлмасин, ўзларига юклатилган мажбуриятни сифатли қилиб бажаришлари шарт.

Меҳмонхона қабул қилиш ва жойлаштириш хизмати “Камила” меҳмонхонасида эрталаб соат 9⁰⁰ дан 24 соат куни-тун иш олиб борадилар.

Бу хизматнинг асосий вазифаларидан яна бири бу меҳмонхона номерларини максимал даражада тўлдириш ҳисобланади (2.3-расм).


Меҳмонхоналарнинг куни-тун узлуксиз ишлаши уни маиший хизмат корхонаси вазифасига ўхшаш вазифаларни бажаришга тўғри келади. Уларнинг фаолиятлари махсус қоида ва шартлар кўрсатилган низом бўйича олиб борилади.

Меҳмонхонада яшаш вақтинчалик, келишилган муддатгача, лекин бу 30 суткадан ошмаслиги керак. Шу вақтгача меҳмон яшашни қоида-қонунини бузмаган бўлса, уни администрация чиқаришга ҳақли эмас. Агар меҳмон яшаш муддатини оширмоқчи бўлса, унда ҳисоб-китоб вақтидан 2 соат олдин администрацияга билдирилиши керак.

Меҳмонхонага яшаш учун меҳмон ўз паспортини кўрсатиши лозим. Ҳарбий хизматчилар эса ҳарбий билети ёки шахсий гувоҳномасини кўрсатиши талаб этилади.

Администрация ҳужжатларни диққат билан кўриб чиқиши, унда ёзувлар ўзгартирилмаган, бузилмаган бўлиши керак. Айниқса расмини текшириш керак.

Меҳмонхонада жойлар умумий ёки алоҳида номерга берилиши мумкин. Бир неча жойли номерга барча жойлар тўлови тўлаш шарти билан бир кишига берилиши ҳам мумкин.



Меҳмонхонада яшовчи меҳмонлар умумий овқатланиш ва бошқа хизматларда навбатсиз киришларига ҳақли ҳисобланадилар.

Одатдаги хусусий меҳмонхона катта бир ёки икки каватли миллий услубдаги ховлига эга булган уй қуринишида булади. Номерлар сони ҳам унча қуп булмайди, яъни 10-20 та номерга эга булиши мумкин. Масалан, «Али – тур» меҳмонхонасида 6 - та номер мавжуд. Хусусий меҳмонхоналарда яшаган меҳмонларда нафакат «Шаркий колорит» (ганчкорлик, ёғоч уймакорлиги, керамика ва мебель, гиламлар, сузаналар ва хоказолар), балки у ердаги персонал муомаласи ва меҳмондустлиги, хизматларнинг қуплиги ва юкори даражадаги курсатиладиган хизмат ҳам чуқур таассурот қолдиради.

Бирок, бу сектор қорхоналари қамчиликлардан ҳам холи эмас. Биринчидан, уларнинг жойлашуви. Агар йирик меҳмонхоналар одатда шаҳар марказлари ва уларнинг асосий автомагистраллар яқинида жойлашган булса, хусусий меҳмонхоналар қупинча машина бориш қийин булган жойларда қурилган булади. Хар қандай четдан қелган одам ҳам машинасини номаълум жойда қолдириб, чала ёритилган тор қуча орқали бир қанча масофа пиёда юришга рози булмаслиги ҳаммамизга тушунарли. Иккинчи қамчилик – қам номер фондига ва овқатлантириш объектларининг қам одамга хизмат қурсатиш имқониятига эга булиши. Бу эса туристик гуруҳлар қелиши, конференция, семинар, турли учрашувларни утқизиш имқонидан маҳрум қилади. Хусусий уйларда ресторан булмайди, фақат меҳмонхона ва ошхона

булади. 20 кишидан купчиликка бир вақтнинг узида таом тайёрлаш, бунинг устига танаффус пайтида уларнинг ҳаммасини овкатлантириш – кичик меҳмонхона персонали учун сезиларли даражада кийин ишдир. Учинчи масала – хавфсизлик. Маълумки, катта меҳмонхоналар яхши курикланади, кичик (хусусий) меҳмонхоналарда эса мижозлар хавфсизлиги имкони борича таъминланади. Туртинчи муаммо – таниклиликнинг етарли эмаслиги. Купгина расмий шахслар ва корпоратив мижозлар 80 ва хатто 90% яшаш нархини тежашдан воз кечадилар, чунки улар хусусий меҳмонхоналар тугрисида етарлича маълумотга эга эмас. Бешинчи муаммо – барча колувчилар учун нархларнинг бир хиллиги. Бозор мантиги нуктаи назаридан караганда ҳаммаси жойида ва бир кечага нарх ҳам 25 – 35 доллар туради.

Ҳозирги кунда «Ўзбектуризм» миллий кампаниясининг Самарқанд филиали ҳамда ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган бир қатор тадбирлар натижасида Самарқанд вилоятида йилдан-йилга кириб келаётган туристлар сони ошиб бормоқда.

Камила орзу фирмаси Самарқанд вилоятидаги 145 туристик фирманинг бири ҳисобланади. Жами Республикада 784 та турфирма ва меҳмонхоналар мавдждуд. Меҳмонхонада саёхатчининг куп маиший муаммоларини хал этади. Хар холда унга кийим ювиш, чойшаблар тозалиги ва нонушта хакида кайгуришига тугри келмайди. Аммо буларнинг ҳаммаси учун тулашга тугри келади. Агар одам унинг яшаш жойидаги бутун сервиснинг жойнинг вақти билан тозалаб турилиши ва чойшаблар алмаштирилишига, овкат тугрисида узи уйлашига рози булса, унда яхши таъмирланган, энг замонавий маиший техника билан таъминланган яхши, кулай квартирани ижарага олиш мумкин. Ва бу хатто «В & В» типдаги меҳмонхоналар номеридан ҳам арзонга тушади. Тошкент маркази ёки бевосита унга яқин жойдан икки хонали квартирани киска даврга суткасига 15-20 доллардан, уч хонали квартирани – 25 доллардан, 30 долларга эса меҳмонхонаси ва иккита ётоқхонаси бор кичикрок уйни ижарага олиш мумкин. Яна бу нархлар уй эгаларига мижоз топиб бериш учун шартнома киладиган фирма ёки хусусий шахслар –

воситачилар нархларидир. Агар бевосита уй эгаси билан келишиладиган булса, уй ёки квартирани янада арзонга топиш мумкин, аммо жой излаш учун куп вақт кетиб қолиши мумкин. шунинг учун энг яхши усул – Ўзбекистонда аввал яшаганлардан, ёки уз мамлакати элчихонаси ходимларидан маслаҳат олишдир.


Ушбу таҳлилдан куришиб турибдики, умуман олганда жуда киммат янги ёки юкори хизмати билан ажралиб турмайдиган эски меҳмонхоналарни танлаш унчалик ҳам шарт эмас. Аммо шуни айтиш керакки, Ўзбекистонга кам муддатга келувчилар барибир, биринчидан – сервис борлиги учун, иккинчидан – куп вақтни оладиган хорижий фуқаролар регистрациясининг мажбурий жараёнларидан қочиш учун меҳмонхонада яшашни афзал кўрадилар.

Меҳмонхонада туристларга хизмат курсатишнинг ёпик технологик цикли куйидаги асосий хизматларни узига олади (2.4-расм).

1. Кабул қилиш ва жойлаштириш хизмати
2. Номер фондидан фойдаланиш хизмати
3. Тижорат хизмати
4. Техник муҳандислик хизмати.
5. Бошқарув хизмати

Бу асосий хизматларни етказиб бериш учун зарур буладиган таъминловчи хизматларнинг минимал тупламидир.

1. Кабул қилиш ва жойлаштириш хизмати - кабул қилиш, руйхатга олиш, туристларни номерларга жойлаштириш, ҳисоб-китоблар, жойларни брон қилиш ва туристларни уйига ёки бошқа жойга жунатишни таъминлайди. Коида буйича, хизматни жойлаштириш буйича менежер бошқаради ва унга руйхатга олиш бюроси, портъе, администраторлар, хизмат курсатиш бюроси, швейцарлар, гардеробчилар, юк саклаш камераси ходимлари, брон қилиш хизматлари буйсунадилар.



2.4-расм. “Камила” ме'хмонхонаси ташкилий структураси

2. Номер фондидан фойдаланиш хизмати яшаш ва кушимча бинолар таъмири ва техник хизмат курсатилишини, одам жойлаштиришга тайёрлаш, тозалаш, косметик ёки режали таъмирлаш учун номерларни фойдаланишдан чикаришни таъминлайди. Ушбу хизмат менежери номер фондига хизмат курсатиш ва таъминлаш гуруҳини, кават хизматчиларини, фаррошларни, конференсе ва бошкаларни бошкаради.

Брон килиш тизими дунёнинг турли шаҳарлари билан алоқада булган ва тармоқка бирлаштирган ЭХМ комплексини уз ичига олади. Комплексининг асосий вазифаси куйидагилар:

- шу меҳмонхона буюртмаси буйича номерлар брон килиш;
- бошка меҳмонхоналар буюртмаси буйича номерлар брон килиш;
- турли транспорт турларига билетлар брон килиш;
- бошка вазифалар

Баъзи холларда бундай тизим асосий меҳмонхонадаги маҳаллий (ички) масалаларни ҳам ечади:

- миждозлар билан автоматлаштирилган ҳисоб-китоблар;
- номер фондини режалаштириш;
- ходимлар иш ҳақини ҳисоблаш;
- моддий неъматларни ҳисоблаш, бугалтерия ҳисоботи ва ҳисоби ва бошкалар.

Йирик меҳмонхона комплекслари ягона брон килиш тизимларига уланадилар. Уларга Sabre, Galileo, Amadeus, Worldspan кабилар киради. Бу брон килиш тизимлари икки асосий вазифани бажаради:

- меҳмонхоналарда номерларни банд килиш;
- билетларни поезд, теплоход ва бошкалар нархларида брон килиш.

Кушимча ва ёрдамчи хизматлар булими баъзи холларда уз экскурсион бюросига, уз хужалигига, иш, конгресс ва бизнес турларни таъминлаш буйича махсус буюроларга, гид-таржимонлар, таъминланган конференц-зал, кабинет, оргтехника кабиларга эга булиши мумкин.

Шунингдек шу хизмат таркибига куйидагилар ҳам киради: сартарошхона ва косметик салонлар; Кир ювиш хизмати; ателье, тикиш ва оёк кийим устахонаси; маиший хизматлар устахоналари; болаларга караш хизмати; тиббий хизматлар булими; кимёвий тозалаш; ижара хизмати; бошқа хизматлар.

“Камила” меҳмонхонаси ҳам Самарқанд вилоятида кўплаб хусусий меҳмонхоналар сингари кичик корхона ҳисобланади. Кам харажатлар эвазига тез фойдага эришиш мумкинлиги, таваккалчилик даражасининг пастлиги сабабли инновацион фаолиятни олиб бориш қулайлиги ва бошқалар хусусий тадбиркорликнинг афзаллик томонларидан ҳисобланади. Унинг куйида бир катор афзалликларини келтириб ўтамиз:⁸

- маҳаллий ресурсларда ишлаб турган ёки маҳаллий бозорни таъминлаб турувчи кичик корхоналар ҳеч бўлмаганда транспорт харажатларининг иқтисод қилиниши эвазига кам харажатлидирлар. Уларнинг иқтисодий устунлиги маҳаллий шароитларини яхши билганлари сабабли, ишлаб чиқаришни унча кўп бўлмаган капитал ва меҳнат харажатлари билан амалга оширишидадир;

- кичик корхоналардаги меҳнат одатда, моддий тавсифга эга ва у амалиётда канцелярия меҳнатига нисбатан фойдалидир;

- ишловчиларнинг кам сонлиги, уларнинг ҳар бири қобилиятининг энгилроқ юзага чиқишига ёрдам беради;

- мослашувчанлик, яъни ишлаб чиқилаётган маҳсулот ассортименти ва турини ўзгартириш кичик корхоналарда унчалик катта қийинчиликлар туғдирмайди.

Дунё амалиётида ҳозирги давргача хусусий тадбиркорликни ажратиб берувчи ягона мезон ўрнатилмаган, ҳозирги вақтда уларда бир-биридан ажратувчи алоҳида белгиларини аниқлаш корхоналарнинг муҳим соҳалар бўйича умумлашма белгилари рўйхатини бунёд этиш орқали амалга оширилмоқда. Бу белгилар туркумига: мулк шакли, ишлаб чиқаришни

⁸ С.С. Гуломов. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Тошкент, «Шарль» НМАК, 2002 йил

ташкил қилиш, бошқариш, молиявий таъминот, маҳсулот сотиш, ишчи ходимлар таркиби, сони ва бошқалар киради. Аммо корхоналар кўламини аниқлашда кўп ўлчовли усулни қўллаш қийинчиликларни вужудга келтиради, чунки у ҳар хил йўналишдаги кўрсаткичларнинг бирликдаги, умумий ўлчовини аниқлашни талаб қилади, маълум бир кўрсаткични яратади, аммо шундай бўлсада, корхона тўғрисида жуда оз маълумот беради.

Амалиёт шуни кўрсатадики, унча катта бўлмаган корхоналар жамиятда муҳим ижтимоий-иқтисодий роль ўйнасалар ҳам улар бозор шароитида чидамли эмаслар. Ушбу ҳолни ҳисобга олиб, барча давлатлар кичик корхоналарни қонуний ҳужжатлар воситасида банкрот бўлишидан ҳимоя қиладилар. Шу билан бирга “Камила” меҳмонхонасини ривожлантириш тадбиркорлик фаолиятига асосланади. Бунда инновацион ёндашувни қўллаш, янги хизмат турларини жорий этиш, туристларнинг янги сегментларини жалб этиш муҳим аҳамият касб этади.

III- БОБ. ТУРИМ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Ўзбекистонда туризм соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари

Республикамизнинг иқтисодий тараққиёти, иқтисодий мустақиллиги, халқининг фаравон турмуш даражаси, қолаверса меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожини билан боғлиқдир. Бу ҳолат эса корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини рағбатлантириш даражасининг ривожланиши билан тавсифланади.

Истиқболда иқтисодиёт тармоқларида ҳам ўзгаришлар юзага келади. Бу ҳолат ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши асосида рўй беради.

Умумий саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда истиқболда ўзгаришлар саноат соҳасига талаб натижасида содир бўлади, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарнинг ривожланиш ҳисобига бу соҳа янада юксалади. Савдо айланмасининг тўлиқ мувофиқлашуви натижасида бу соҳада кўрсаткич улуши пасайиши содир бўлади.

Республикамизда кичик корхоналар томонидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсишини яратилган имкониятлардан фаоллик билан фойдаланиш эвазига таъминлаш мумкин. Бизнинг ҳисобларимизга кўра, 2015 йилга бориб, республика бўйича кичик бизнеснинг ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмидаги улушини 61,1 фоизга етказиш, кичик тадбиркорлик корхоналарининг йиллик маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўсиши 2,5 фоиздан кам бўлмаган ҳолатдагина амалга ошади.

Бунинг учун ҳудудлардаги кичик тадбиркорлик корхоналарнинг республика бўйича ишлаб чиқарилган ЯИМ даги улуши истиқболда қўйидаги ҳолатда ўсиб боришига эришиш зарур (3.1-жадвал).

Республика ЯИМда ҳудудлардаги кичик корхоналарнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушининг истикболда ўсиб бориши (фоиз ҳисобида)*

| Республика ҳудудлари | 2000 й | 2005 й | 2010 й | 2015 й | 2015 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши |
|------------------------------|--------|--------|--------|--------|--------------------------------------|
| Ўзбекистон Республикаси | 31,0 | 38,2 | 52,1 | 66,1 | 213,2 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 26,9 | 48,9 | 57,9 | 66,9 | 248,7 |
| вилоятлар | | | | | |
| Андижон | 32,9 | 38,7 | 49,9 | 61,1 | 185,7 |
| Бухоро | 33,0 | 44,4 | 51,1 | 57,8 | 175,2 |
| Жиззах | 37,1 | 64,4 | 73,0 | 79,8 | 215,1 |
| Қашқадарё | 25,8 | 38,4 | 45,8 | 58,4 | 226,4 |
| Навои | 21,5 | 20,9 | 33,5 | 46,1 | 214,4 |
| Наманган | 33,4 | 51,4 | 75,4 | 81,4 | 243,7 |
| Самарқанд | 44,3 | 54,5 | 68,3 | 78,9 | 178,1 |
| Сурхондарё | 39,1 | 45,9 | 64,8 | 81,7 | 208,9 |
| Сирдарё | 38,9 | 58,8 | 72,5 | 80,6 | 207,2 |
| Тошкент | 34,0 | 36,3 | 45,6 | 54,9 | 161,5 |
| Фарғона | 32,0 | 43,9 | 64,7 | 82,3 | 257,2 |
| Хоразм | 34,2 | 54,2 | 78,3 | 81,9 | 239,5 |
| Тошкент ш. | 41,5 | 54,3 | 70,2 | 79,1 | 190,6 |

*Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси асосида ҳисобланди.

Албатта бу кўрсаткич ривожланган давлатларда, масалан АҚШ да 75-82 фоиз, Японияда 81 фоизни, Италияда 74 фоизни ташкил этади. Республикамиз кичик бизнеснинг бундай кўрсаткичларга эришиши тадбиркорлик фаоллиги орқали амалга ошади. Истикболда кутиладиган натижалар асосан кичик тадбиркорликнинг фаол ривожланиши эвазига рўй беради.

Ҳудудлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг истикболда ўсиб бориш динамикасини корхоналар миқдорининг ўсиб бориш ҳолати бўйича таҳлил этсак, бу ҳолат кўшимча янги кичик корхоналарнинг ташкил этилиши ҳисобига амалга ошади.

Яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳудудларда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши таъминланади. Жумладан, кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига истиқболда кўзланган натижаларга эришиш таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши пухта ташкил этилиши зарур бўлган ва узоқ давом этадиган жараёндир. Унинг бошланғич босқичида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш муаммоси, норматив ҳуқуқий базасини мукамаллаштириш, кичик корхоналарни иқтисодий ва ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш, маслаҳат бериш, уларга хизмат қилувчи молиявий ташкилотлар тизимини ривожлантириш, шунингдек, ишлаб чиқариш технологик марказлар, бизнес-инкубаторлар, технопарклар, лизинг фирмалари билан таъминлаш муаммоси туради. Хусусий тадбиркорлик сектори ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида ниҳоятда муҳим вазифани бажармоқда.

Умуман олганда, республикада хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун бозор инфратузилмаси барпо этилган. Лекин бу мазкур соҳадаги ишлар силлиқ кетаяпти, дегани эмас. Шунингдан олишимиз керакки, мазкур инфратузилмалар ҳали ҳам хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини қондира олмаяпти. Шу боис, бу борадаги мавжуд муаммо ва уларни ҳал этиш чораларини аниқ бир корхона мисолида кўриб чиқиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Шу нуқтаи назардан "Камила" меҳмонхонасида бошқарув тизими фаолияти ва ишлаб чиқариш хусусиятларини ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ва бошқариш муаммолари ўрганиб чиқилди ҳамда қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

1. Хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатини янада кенгроқ амалга ошириш. Бунинг учун хусусий тадбиркорлик ривожини таъминлаб берувчи инфраструктурани ривожлантиришни ташкиллаштириш, умумий муваффақиятли иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шароитларни яратиб бериш лозим бўлади. Аввало, мазкур инфраструктурани самарали ташкил этиш тадбиркорларга «яшаб қолиш иммунитетини» ишлаб чиқаришга, мураккаб бозор иқтисоди шароитида яшаши ва ривожлантиришига ёрдам беради. Бу ўз навбатида давлат томонидан қўллаб-қувватлашни талаб этади. Мазкур соҳанинг ривожини бандлик муаммосини ҳал этишга, республикада хусусий тадбиркорликнинг тараққиётига муҳим туртки бўлади.

2. Туризм соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг турли йўналишлари мавжуд бўлиб, улардан қуйидагилар Ўзбекистон шароитида истиқболга эга. Бунга кўра, хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланишда давлат мадади тизимида кичик корхоналарни ўстирувчи махсус «инкубаторлар»ни ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу «инкубаторлар»нинг кўриниши қуйидагича: кичик корхоналар давлатга қарашли ёки давлат ижарага олган ишлаб чиқариш майдонларида унча қиммат бўлмаган ижара ҳақи эвазига зарур майдон, жиҳозлар ва хатто марказлашган бухгалтерия ҳамда бошқарув хизматини олишлари мумкин. Буларни ҳаммаси бу хизматларни ўзи «оёққа туриб олгунига қадар, ўзи мустақил ҳолда зарур ишлаб чиқариш майдонларини сотиб олиш ёки ижарага олиш ва ўзининг жами хўжалик фаолиятини бажаришга қодир бўлишига қадар фойдаланилади. Мазкур тажрибанинг амалиётга тадбиқ этилиши Ўзбекистон шароитида бир қатор афзалликларга эга. Чунки республикада хусусийлаштириш жараёни жадал амалга оширилаётган пайтда йирик корхоналар қошида бир нечта кичик корхоналарни ташкил этиш, уларни маълум муддатга қувватлаб туриш истиқболли ҳисобланади. Ишлаб чиқаришини йўлга қўйгач, бу кичик корхоналар мустақил фаолият кўрсатиши учун имконият туғилади.

Шу ўринда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг Жанубий Корея тажрибаси диққатга сазавор. Бу тажрибага кўра, давлат томонидан тадбиркорларга ишлаб чиқариш бинолари, жиҳозлар ва ускуналар 30-35 йилга узоқ муддатли имтиёзли ижарага берилган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам туризм соҳасидаги тадбиркорларга бинолар, жиҳозлар ва ускуналарни 10 йилгача муддат билан имтиёзли ижарага берилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

3. Инвестиция муҳитида ҳам миқдор (барпо этилаётган корхоналар миқдори ва инвестиция чиқариш ҳажмининг ўсиши), ҳам сифат (инвестициянинг ишлаб чиқариш экспорти ҳам корпорациялар даражасида, ҳам давлат даражасида интеграциянинг янада мураккаброқ шаклларига ўтиши) ўсишлари кузатилмоқда. Бугунги кунда туризм соҳасида кўшма корхоналар ташкил этиш катта истиқболларга эга, яъни:

- хизмат кўрсатишнинг ихтисослашуви ва кооперация шаклларнинг ривожланиши, чуқурлашуви, туризм ривожланишининг объектив эҳтиёжларини тақозо қилади;

- ташқи иқтисодий ҳамкорлик бошқа шаклларга қараганда, иштирокчиларга бир қатор ўзаро фойдали афзалликлар беради.

Корхонага ташқи инвестицияларни жалб этиш жараёнини жадаллаштириш учун хорижий инвесторлар (ташқи инвестиция) билан ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур. Бунинг учун хорижий инвестор билан кўшма корхона тузиши мумкин. Чунки " Камила " ўз маҳаллий бозорида мавқеи мустаҳкам бўлиб, маълум истеъмолчиларга эга. Бу эса хорижий шерикларни қизиқтириши мумкин. Бундан ташқари кредит ҳисобига ҳам янги меҳмонхона биносини қуриш ва сифатли янги меҳмонхона хизматларини йўлга қўйиши керак.

4. Корхона ўз стратегиясини аниқ белгилаб олгач, илмий тадқиқотлар асосида маркетинг, реклама ва ишлаб чиқариш жараёни қайта кўриб чиқилиши зарур. Бунинг натижасида корхона хизматлар структурасини

оптималлаштириш имконияти туғилади. Корхона ўз хизматлари рекламасини оммавий ахборот тарқатиш воситаларида (радио, телевидение, газета) ташкил этиши керак. Бундан ташқари турли кўринишдаги реклама буклетлари, хизматлар каталогларини нашр этириш керак. Шу билан бирга маҳаллий ва республика доирасида махсус кўргамалар ташкил этиши, ўз хизматларини намоиш қилиши мақсадга мувофиқ.

5. Корхона ўз ходимларини мотивлаштиришда рағбатлантиришнинг замонавий ёндашувларини кенг қўллаши талаб этилади. Хусусан бошқарувда иштирок этиш, фойда тақсимоти, мукофотлаш тизимларини такомиллаштириш ходимларни фаолятга ундашнинг асосий йўналиши қилиб белгиланиши талаб этилади.

Халқаро туризм бозорида хизматлар ва мақсулотларни ўтказиш каналининг чекланганлиги туризмнинг тижорат соҳасидаги бир қанча йўқотишларни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири қисобланади. Авваламбор, шуни қисобга олган қолда, Ўзбекистонда туризм соҳасида кўйидаги тадбирларни амалга оширишга катта эътибор қаратиш лозим:

- мақсулотни ўтказишнинг турли хил каналлари ва воситачик шаклларини аниқлаш мумкинлигини инобатга олган қолда, ушбу сотув тизимини тўлиқ таснифлаб чиқиш, янги каналларни зудлик билан ўзгартириш ва керакли маблағ билан кечиктирмасдан таъминлаш.
- воситачиларнинг шаклларига кўра қилинадиган харажатларни тақлил қилиш ва икки томонлама манфатларидан келиб чиққан қолда қамкорликни янада ривожлантириш.
- воситачиларни таклиф қилинаётган хизматларга нисбатан аниқ ахборотга эга бўлишини ўз вақтида таъминлаб туриш.
- ташриф буюраётган туристлар орқали воситачиларнинг мавқеи ва ақамияти тўғрисидаги фикрларни ўрганиш, турли анкета саволларини тузиш.

Туристтик хизматлар асосини ташкил қиладиган меҳмонхона хизматлари маркетинги мавжуд меҳмонхона хўжалигини ривожлантириш,

меҳмонхона бозоридан фаол фойдаланиш учун мувофиқ бўлган янги ўринларни очиш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш технологиясини ва ажратилиши режалаштирилаётган инвестициялар қисоб-китобини ўз ичига олади.

–хусусий ва давлат сектори вакиллари иштирокида Ўзбекистонда туризм индустрияси ривожланишидаги муаммолар ва масалалари бўйича маслақатлашув кенгашини ташкил қилиш;

–Ўзбекистоннинг туризм бўйича маркетингга жалб қилинган барча манфаатдор томонларнинг мунтазам равишда йиғилишлар ўтказишлари ўта муқимдир;

–Ўзбекистон меҳмонхоналар индустриясининг "Меҳмонхоналар учун инвестицияларни жалб қилишда асосий эътибор ўрта тоифадаги (уч юлдузли) катта бўлмаган (ўрта қисобда 200 та ўринга мўлжалланган) меҳмонхоналарни қуришга қаратилиши лозим. Бу мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш, ҳажми деярли катта бўлмаганлиги сабабли молиялаштириш осонроқ бўлишига, фойдаланиш ва бошқариш жараёнида харажатларни камайтириш, шунингдек, ўрта даражада тайёргарликдан ўтган мутахассислар учун ҳам бошқара олиш имконини беради.

Бундан ташқари Ўзбекистонда туризм индустриясини ривожлантиришда тадқиқотларидан фойдаланишни такомиллаштиришда келгусида бундан аниқ тадбирлар амалга оширилади деган умиддамиз.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши билан мамлакатимизда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришамиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим соҳага айланади.

3.2. Хусусий тадбиркорлик соҳасини бошқариш самарадорлигини баҳолаш мезонлари

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳаси олдида турган турли-туман иқтисодий ва ижтимоий масалаларни муваффақиятли ечилиши хусусий тадбиркорликнинг самарадорлигини ошириш ҳисобига амалга ошиши мумкин. Кичик корхоналар фан-техника тараққиёти жадаллашган, халқ хўжалигининг барча соҳаларида янги технологияларга ўтилатган шароитларда ўз ўрнини топиб олмақда. Улар янги ахборот технологияси, янги ғоялар билан ишлашни, ишлаб чиқаришни янгилашни таъминлайдиган бутун бир тизимнинг шароитларида ишлаб чиқаришнинг мақбул шакли ҳисобланади. Шундай қилиб, кичик корхоналар ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ ҳамма нарса ҳозирги замон ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ташкилий тузилманинг энг муҳим ва узвий унсурини ташкил этади. Меҳнат ресурслари тез ўсаётган ва Ўзбекистонда ишлаб чиқариш жойлашувидаги ўзига хос шароитларида кичик корхоналар тармоқларини барпо этиш қуйидагиларга имконият яратади:

- эркин меҳнат ресурсларини ва янги хўжалик муносабатларининг жорий этилиши, янги мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши натижасида ишлаб чиқаришдан бўшатиладиган шахсларни хизмат кўрсатиш, шу жумладан, ижтимоий ишлаб чиқаришга кўпроқ жалб қилиш;

- аҳолининг, биринчи навбатда ёшларнинг моддий, маданий ва касб даражасини кўтариш;

- аҳолининг халқ истеъмоли молларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш;

- кичик ва ўрта шаҳарларни, қишлоқ аҳоли пунктиларни ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш, умуман ҳар бир минтақа учун ғоят муҳим бўлган туризм самарадорлигини ошириш.

Кичик тадбиркорликнинг хусусиятлари (муомала капиталининг кичиклиги, унинг тез айланувчанлиги, ишлаб чиқариш воситаларини тезда алмаштириш имкониялари ва бошқалар) унинг бир қанча афзалликларга эга бўлиши учун имконият яратиб, самарадорлигини оширишда ёрдам беради:

- изланиш, янги химат кўрсатиш турларини маромига етказиш, ўзлаштириш ва уларни талабини тез ўзгариб туриш хатарини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириб бориш;

- тезкор сервис ва химат кўрсатишнинг ишончлиги;

- туристик хизматларни мосланувчан тарзда ташкил этиш ва тур маҳсулот сотишни бозор талабларига ҳамда бозор вазиятлари ўзгаришларига мувофиқ олиб бориш;

- ортиқча иш кучини ўзига сингдириш;

- бошқаришнинг оддийлиги, катта маъмурий аппаратнинг йўқлиги, қурилиш ва лойиҳа қувватларини ўзлаштиришда қисқа муддат, капитал сарфларининг тез оқлаши, капитал айланмасида юқори тезлик (йирик корхоналарга қараганда 2,5 марта юқори);

Туризм соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устун йўналишларини белгилашда ҳар бир минтақанинг имкониятларини, миллий анъаналари ва бошқа жуда кўп омилларни ҳисобга олиш лозим.

Ташкилотнинг стратегик мақсадларига эришиш, юқори рақобатбардошликка эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш, юқори фойдага эришиш бошқарув самарадорлиги тушунчаси билан боғлиқ. Бошқарув самарадорлиги ўзида комплекс муаммони ақс эттирганлиги сабабли менежмент бўйича адабиётларда иқтисодий самарадорликни аниқлаш ва баҳолашнинг кўплаб ёндашувлари мавжуд. М. Шарифхужаев, Ш. Зайнутдинов, С.С.Ғуломовларнинг илмий тадқиқотларида бошқарув фаолияти иқтисодий самарадорлигининг турли жиҳатлари ўз аксини топган.

Маълумки, самарадорлик иқтисодий фанларнинг асосий категорияларидан бири бўлиб, қабул қилинаётган қарорларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини тавсифлайди. Барча ҳолларда иқтисодий самарадорлик олинган иқтисодий натижа (самара)нинг мазкур натижага эришиш учун сарфланган харажат (ишлаб чиқариш ресурслар) га нисбати сифатида аниқланади.

Бироқ самарани аниқлашда фақат иқтисодий натижаларгагина асосланиб, олинган ижтимоий оқибатларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Буни бошқарув самарадорлиги аниқлашда ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Иқтисодий самарадорликни аниқлаш унинг аниқ таърифини келтириш билангина чегараланиб қолмасдан, самара ва харажатларнинг тўла табиатини акс эттирувчи кўрсаткичларни шакллантириш билан боғлиқ.

Бизнинг мисолимизда бошқарувда янги услубларнинг қўлланилиши ташкилот ишлаб чиқариш жараёнига янада интенсив таъсир этишдан олинган самара ва мазкур усулларни жорий этиш учун қилинган харажатлар нисбати орқали аниқланади.

Шундай қилиб, менежмент тизимининг иқтисодий самараси ишлаб чиқариш самарасининг органик бир бутун қисми бўлиб, унда ушбу тизимлар амал қилинишининг иқтисодий натижалари акс этирилади. Менежмент соҳасидаги фойда қанча кўп бўлса, ишлаб чиқариш харажатларини солиштирма оғирлигига шунча кам бўлади ва ушбу соҳада меҳнат сарфининг иқтисодий самараси аҳамиятлироқ бўлади. Ушбу муҳим кўрсаткичларни танлаш шу билан боғлиқки, бозор иқтисодиёти шароитида хусусий тадбиркорлик субъектларининг фойдасини ошириш асосий омили бўлиб менежмент ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида бошқарув ходимлари меҳнати натижасини ифодалайди, меҳнат жамоасининг иши натижаларини кўрсатади.

Маълумки менежментнинг асосий вазифаси ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда ташкилот олдида турган мақсадларга эришилишини таъминлашдан иборат. Бундай ҳолда бошқаришнинг самарадорлиги ишлаб

чиқариш самарадорлиги тушунчаси билан мос келади. Уларни баҳолашда бир хил кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Менежмент фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезони сифатида бундай ҳолатда бошқариладиган объектнинг самарадорлик даражаси кўзда тутилади. Шундан келиб чиқиб, бошқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқариш фаолияти натижасида олинган пировард натижаларни ресурслар билан таққослаш ёки бошқача айтганда натижаларнинг сарфларга нисбати кўринишида аниқланади.

Ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг кўрсаткичларини умумлаштирувчи ва алоҳида ресурслар самарадорлигини ифодаловчи хусусий кўрсаткичларни ажратиш мумкин.

Умумлаштирувчи кўрсаткичлар ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг умумий ҳолдаги натижаларини ифодалайди. Фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари ҳам фаолият самарадорлигини ифодалайди.

Меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари тизимдан фойдаланилади. Меҳнат умумдорлиги - меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Бошқарув фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишга ҳам таққослама таҳлил асосида баҳо берилади. Ташкилий тузилма, микро иқлим, алоҳида моддий тизимлар салоҳиятини тўғри баҳолаш, алоқалар тизими, назоратнинг амалга оширилиши, ходимлар меҳнатининг рағбатлантирилиши ва шу каби жиҳатлар ҳам бошқарув фаолиятининг бевосита самарали ёки самарасиз эканлигини баҳолашда қўлланилиши мумкин.

IV-БОБ. ТУРИСТИК ТАШКИЛОТЛАРДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ҲАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

4.1. Маъмуриятнинг хавфсиз ва соғлом иш шароити ташкил қилиш мажбуриятлари

Туристлик фирмалар, хусусан кемпинглар ва меҳмонхоналарда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари кодексига ёзиб қўйилган.

Маъмурият таркибига раҳбар ходимлар, яъни ташкилотларида ташкилотчилик, маъмурий-хўжалик ишларини амалга оширувчи, хизмат кўрсатиш жараёнларни ташкил қилувчи, ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган кишиларни бошқарувчи, моддий маблағларни тақсимот билан ишлатиш ва уни назорат қилиш ишларини олиб боровчи шахслар киритилади.

Маъмурият ходимларига қўйиладиган асосий талаб, улар давлат сиёсатини яхши тушунишлари ва уни амалга оширишга ҳаракат қилишлари, давлат ва халқ манфаатларини тушуниб амалга оширишлари, меҳнат шароити тартибини сақлай билишлари, ходимларни меҳнат интизомини сақлаш ва ишга рағбатлантириш, иш унумини ошириши ва даражасини бир неча ўн йил олдиндан кўра билувчи шахс бўлишлари керак.

Маъмурият зиммасига юклатиладиган мажбуриятлар асосан ходимлар билан маъмурият ўртасида тузиладиган меҳнат битимидан келиб чиқади. Бу меҳнат битимини тузиш мажбуриятини Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси билан белгиланган. Бу қонуният сифатида қуйидагича тақлид қилинади. Ходим маълум мутахассислик бўйича белгиланган ишни корхона ички тартиб-қоидаларига риоя қилган ҳолда бажариш, маъмурият эса меҳнат қилиш қонуниятларига асосан ва жамоат битимида кўзда тутилган маълум миқдордаги мажбуриятлар мундарижасини ўз зиммасига олади.

Меҳнат Кодексида кўзда тутилган мажбуриятлар қуйидагилар:

Ҳар бир ходим, хизматчи учун иш мутахассислиги ва малакасига қараб маълум машина, станок ва бошқалардан иборат иш жойи ташкил қилиш, соғлом ва хавфсиз иш шароитини ташкил қилиш, сифатли иш қуроллари билан таъминлаш, саноат ва меҳнат интизомини, ҳар тарафлама мустаҳкамлаш, иш шароитини кундан-кунга яхшилаб боришни таъминлашга қаратилган техник жиҳозлар ўрнатиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишнинг номенклатура чора-тадбирларини амалга ошириш.

Бундан ташқари, раҳбар ходимларга хизмат вазифалари ҳам юкланади. Бу вазифалар бошқариши лозим бўлган лавозими тақозо қиладиган тавсияномада белгиланган бўлади.

Корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш 13-моддада келтирилган.

Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабаларига мувофиқ бўлиши лозим.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта ноҳуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгилаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари эса 14-моддада келтирилган:

Вазирликлар, идоралар, концернлар, ассоциациялар, бошқа хўжалик органлари касаба уюшмалари Марказий (Республика) қўмитаси билан келишиб ўзлари тасдиқлайдиган низомга мувофиқ меҳнат муҳофазаси ишларини мувофиқлаштириб борадилар.

Ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади), 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юкланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган низомлар асосида ишлайди ва ўз мақомига кўра корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади ҳамда унинг раҳбарига бўйсунди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларининг мутахассислари барча ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрларига риоя этишларини назорат қилиш, тармоқ бўлинмалари раҳбарларига аниқланган нуқсонларни бартараф этиш ҳақида бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузаётган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақидаги корхоналарнинг раҳбарларига тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эгадир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари корхона фаолияти тўхтатилган тақдирдагина тугатилади.

Баъзи бир раҳбар шахсларнинг, ходимларнинг ўз ишига совуққонлик ва лоқайдлик билан қараши натижасида меҳнатни муҳофаза қилиш тартиб-қоидалари бузилиб, бахтсиз ҳодиса рўй беради. Бахтсиз ҳодисанинг оғир, енгиллиги ва оқибатини ҳисобга олиб тўрт хил жавобгарлик чора-тадбирлари белгиланган.

Интизом жавобгарлиги. Ҳар бир саноат корхонаси ўз ички тартиб-қоидаларини ишлаб чиқади. Бу тартиб-қоидаларнинг барчаси соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш, жараёнларни нормада бажаришга қаратилган.

Талабларни бажармаслик бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, ходим-хизматчиларнинг тартиб-қоидаларга амал қилмаслиги иш режимининг бузилишига, кассалик, бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва бошқа ҳодисаларнинг содир бўлишига олиб келиши мумкин. Улар учун интизом жавобгарлиги таъсис этилган.

Бу жавобгарлик ходимлар учун – огоҳлантириш, хайфсан эълон қилиш, жиддий хайфсан эълон қилиш, уч ой муддат билан ойлиги кам бўлган ишга ўтказиш ёки шу муддатга паст разряд ишга ўтказиш, ишдан бўшатиш каби тартибда амалга оширилади.

Раҳбар шахслар учун жавобгарлик огоҳлантириш, хайфсан эълон қилиш, бир йилгача лавозимини пасайтириш, ишдан бўшатиш йўли билан олиб борилади.

Ходимлар корхона раҳбарлари, цех ва бўлим бошлиқлари томонидан интизом жавобгарлигига тортилиши мумкин. Раҳбар ходимлар эса юқори раҳбарлик ходимлари томонидан интизом жавобгарлигига тортилиши мумкин.

Раҳбар ходимлар жамоа битимида кўрсатилган талабларни, юқори ташкилот буйруқларини бажармаганликлари ва асосан хавфсизлик техникаси, саноат гигиена-санитарияси талаб-қоидаларига амал қилинмаганлиги учун жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий жавобгарлик қўйидаги уч турда белгиланиши мумкин:

1. Ахлоқий характердаги жавобгарлик (огоҳлантириш, жамоат тартибидаги чоралар).
2. Маблағ ва пул ундириш, бунда жарима ва сусодара қилиш усули қўлланилади.

3. Тартиб бузувчининг шахсига таалукли бўлган жавобгарлик (ахлоқ тузатиш ишлари, маъмурий – камоқ жазоси, вазифасидан четлатиш).

Меҳнат хавфсизлиги қоида ва нормаларини бузган ходим ва хизматчиларга маъмурий жавобгарлик тартибида огоҳлантириш, жамоат тартибидаги чоралар ва маълум миқдорда жарима тўлаш белгиланади. Жарима ва огоҳлантириш буйсуниш тартибида раҳбар ходимлар томонидан эмас, балки меҳнатни муҳофаза қилишнинг давлат назорат органлари ёки шаҳар ва туман депутатлари кенгаши ижроия қўмиталари томонидан ташкил қилинган комиссияларнинг қарори билан белгиланади.

Ҳозирги вақтда ходимлар хавфсизлигини таъминлаш борасида қанчадан- қанча тавсияномалар, қоида ва нормалар ишлаб чиқилган бўлишига қарамадан саноат корхоналарида бахтсиз ҳодисаларнинг бутунлай йўқолиб кетишини таъминловчи шароит мавжуд эмас.

Бундан ташқари, корхоналарининг хилма-хиллиги, ҳаттоки маълум бир корхонада ҳам иш шароити бир-бирига ўхшаш иккита цехни топиш амри маҳол эканлиги, умумий саноат корхоналари хавфсизлигини таъминловчи, тартибга солинган рецепт ишлаб чиқариш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ҳар бир саноат корхонаси ўзи учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган инструктажлар системаси ташкил қилинган ва бу системалар ходимларнинг хавфсизлигини таъминловчи иш усуллари ўргатиш ходимнинг меҳнат хавфсизлигини сақлаш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади.

Инструктажларни асосан тўрт гуруҳга бўлиб қараш мумкин: 1) кириш инструктажи; 2) иш жойидаги инструктаж; 3) вақти-вақти билан ўтказиладиган инструктаж ва 4) режадан ташқари инструктаж (ГОСТ 12.004-74 (МХСС)).

Инструктаж ўтказаетганда аввало одатдаги иш шароитида ходим ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида маълумот берилади. Лекин саноат корхоналарида баъзи бир ҳаддан ташқари ҳолатлар ҳам юз бериб қолиши

мумкин. Масалан авария, ёнғин ва бошқа ҳолларда ходим ўзини қандай тутиши, тез ҳаракат қилиши муҳим аҳамиятга эга.

4.2. Меҳмонхоналарда ёнғин хавфсизлигини ташкил этишда маъмурий-техник хизматчиларнинг мажбурият ва ҳуқуқлари

Туристтик фирмаларда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари ва кодексида ёзиб қўйилган.

Маъмурият таркибига раҳбар ходимлар, яъни корхоналарда, ташкилотларда ташкилотчилик, маъмурий-хўжалик ишларини амалга оширувчи, ишлаб чиқариш жараёнларни ташкил қилувчи, ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган кишиларни бошқарувчи, моддий маблағларни тақсимот билан ишлатиш ва уни назорат қилиш ишларини олиб боровчи шахслар киритилади.

Маъмурият ходимларига қўйиладиган асосий талаб, улар давлат сиёсатини яхши тушунишлари ва уни амалга оширишга ҳаракат қилишлари, давлат ва халқ манфаатларини тушуниб амалга оширишлари, меҳнат шароити тартибини сақлай билишлари, ишчиларни меҳнат интизомини сақлаш ва ишга рағбатлантириш, иш унумини ошириш ва даражасини бир неча ўн йил олдиндан кўра билувчи шахс бўлишлари керак.

Маъмурият зиммасига юклатиладиган мажбуриятлар асосан ишчилар билан маъмурият ўртасида тузиладиган меҳнат шартномасидан келиб чиқади. Бу меҳнат шартномасини тузиш мажбурияти Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси билан белгиланган. Бу қонуният сифатида қўйидагича тақлид қилинади. Ишчи маълум мутахассислик бўйича белгиланган ишни корхона ички тартиб-қоидаларига риоя қилган ҳолда бажариш, маъмурият эса меҳнат қилиш қонуниятларига асосан ва жамоат шартномасида кўзда тутилган маълум миқдордаги мажбуриятлар мундарижасини ўз зиммасига олади.

Меҳнат Кодексида кўзда тутилган мажбуриятлар қуйидагилардир: ҳар бир ишчи, хизматчи учун иш мутахассислиги ва малакасига қараб маълум машина, станок ва бошқалардан иборат иш жойи ташкил қилиш, соғлом ва хавфсиз иш шароитини ташкил қилиш, сифатли иш қуроллари билан таъминлаш, саноат ва меҳнат интизомини ҳар тарафлама мустаҳкамлаш, иш шароитини кундан-кунга яхшилаб боришни таъминлашга қаратилган техник жиҳозлар ўрнатиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишнинг номенклатура чора-тадбирларни амалга ошириш.

Бундан ташқари, раҳбар ходимларга хизмат вазифалари ҳам юкланади. Бу вазифалар бошқариши лозим бўлган лавозими тақозо қиладиган тавсияномада белгиланган бўлади.

Ҳар қандай корхонада ишлаб чиқариш технологияси, ишлатиладиган хом ашёси, чиқарадиган маҳсулоти ва жойлашган биносининг конструкцияси ҳисобга олинган ҳолда ёнғин чиқишга, портлашга ва ёнғин чиққан тақдирда унинг тарқалишига, шунингдек ёнғиннинг асоратига асосланган ҳолда ёнғинга ва портлашга хавфлилик даражаси белгиланади.

Албатта, ҳар бир корхонада ёнғин хавфи биринчи навбатда, у ерда ишлатилаётган хом ашёнинг ва чиқарилаётган маҳсулотнинг ёнғинга хавфлилик даражаси билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам корхоналарни категорияларга ажратганда ишлатилаётган моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Мана шу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда Қурилиш норма ва қоидалари (СНиП II-90-81) асосида ҳамма корхоналар, омборхоналар ёнғин ва портлашга хавфи бўйича 5 та категорияга бўлинади.

А-категорияси – ёнғинга ва портлашга хавфли категориядаги корхоналар. Бунга ўзаро бирикиши натижасида ёниши ва портлаши мумкин бўлган газлар ёки алангаланиш қуйи чегараси 10 %дан кам бўлган газлар, шунингдек чакнаш ҳарорати 28⁰С гача бўлган суюқликлар, агар бу суюқликлар ва газларнинг портлаш имкониятини туғдириш мумкин бўлган хонанинг 5% ҳажмини эгаллаши мумкин бўлган корхоналар киради. Буларга

олтингугуртли углерод, эфир, ацетон ва бошқа шунга ўхшаш моддалар олинадиган корхоналар киради.

Б-категорияси – портлаш ва ёнғин хавфли категория. Бунга қуйи алангаланиш чегараси ҳаво ҳажмига нисбатан 10%дан ортиқ ёнувчи газлар билан иш олиб бориладиган, шунингдек чакнаш ҳарорати 28⁰С дан 61⁰С гача бўлган суюқликлар билан ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида чакнаш ҳароратигача ёки ундан ортиқ даражада қиздирилган суюқликлар бўлган корхоналар киради. Бундай корхоналарга аммиак ҳайдовчи компрессор станциялари, деталларни керосин билан ювиб тозалаш корхоналари киради.

В-категорияси – ёнғинга хавфли категория. Бу категорияга кўмир кукуни ҳосил қилиш ва ёғочсозлик саноат корхоналари киради.

Г-категорияси – ёнғинга хавфли категория. Бунга ёнмайдиган жисм ва материалларга, қиздириб, чўғлантириб ва эритиб ишлов берадиган ва ишлов бериш давомида нурли иссиқлик, учқун ва алангалар чиқиш мумкин бўлган, қаттиқ, суюқ ва газсимон моддалар ёқилғи сифатида ишлатиладиган корхоналар киради.

Д-категорияси – ёнғинга хавфсиз категория. Буларга ёнмайдиган жисмлар ва материалларга совуқ ишлов берадиган корхоналар киради. Бунга машинасозлик ва қурилиш корхоналари киради.

Омборхоналар ва бази ташқарига ўрнатилган ҳажмли идишларнинг ёнғинга ва портлашга хавфлилиқ категориялари, уларда сақланаётган моддалар турига қараб у ёки бу категорияларга киритиш мумкин. Одатда, омборхоналарнинг ёнғинга ва портлашга хавфлилиги уни лойиҳалаш ва ишга қабул қилиш вақтида ҳар бир вазирликнинг тасдиқланган рўйхати бўйича аниқланади.

Корхоналарда ёнғинга қарши кураш ишларини шу корхоналарнинг ёнғинга хавфлилиқ даражасига қараб, корхона маъмурияти белгилайди. Агар корхонада ёнғин хавфли бўлса, унда ёнғинга қарши кураш бўлими ташкил қилинади. Бундай бўлим ўзининг махсус ёнғинга қарши кураш командаларини ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда давлат ёнғинга қарши кураш назоратини Ички ишлар вазирлигининг ёнғиндан муҳофаза қилиш бош бошқармаси амалга оширади. Унинг асосий вазифаси корхоналарда ёнғин ва портлашга олиб келадиган сабабларни йўқотишга қаратилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдан иборатдир.

Ишлаб чиқаришда юз берадиган ёнғинларнинг келиб чиқиш сабабларини икки турга бўлиш мумкин.

1. Ишлаб чиқариш технологик жараёндан аланга манбаини чиқариб ташлаб бўлмайдиган ва цехларда ёнувчи ёки портловчи моддалар йиғилиб қолган ҳолат. Масалан, пардозлаш фабрикасида матонинг тукини куйдириш жараёни юқори ҳароратда олиб борилади, яъни куйдирувчи юза чўғланиб турганда 100 м/мин. тезликда мато ўтказилади. Машинанинг ҳаракат қисмларидан бирортаси тўхтаб қолса ёки мато озгина бўлса-да, тўпланиб қолса, дарҳол алангаланиб ёнғин чиқиши мумкин.

2. Ишлаб чиқариш технологик жараёндан ёнувчи ёки портловчи моддаларни чиқариб ташлаб бўлмайдиган ва аланга манбаини қўллашга йўл қўйилган ҳолат. Масалан, хом ашё ва тайёр маҳсулот омборларида, титиш-саваш цехларида пахта ва матолар кўп миқдорда тўпланиши табиий, лекин бу хоналарда маълум эҳтиёт чоралари кўрилмасдан очиқ аланга манбаи ишлатилса ёнғин чиқиши мумкин.

Корхоналарнинг ёнғин хавфи бўйича таснифи уларни лойиҳалаш, реконструкция ва эксплуатация қилиш жараёнларида катта аҳамият касб этади. Шунингдек, ўта чидамлилик даражаси, қаватлар сони, бинолар орасидаги масофаларни тўғри танлаш муҳим рол ўйнайди. Корхонанинг ёнғин хавфи бўйича тоифаси, биносининг ўта чидамлилик даражаси ва ҳажмига қараб ички ҳамда ташқи ўт ўчириши водопровод тизимига керакли сувнинг сарфини, иситиш тизими, вентиляция ва ҳавони мўътадиллаш, сув таъминоти, ёритиш, электр ускуналари ва ўт ўчириши воситалари турларини танлаш мумкин.

Қабул қилинган технологик лойиҳалашнинг амалдаги меъёрларига биноан барча ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнларнинг портлаш ва ёнғин хавфи бўйича беш тоифага бўлинади (А, Б, В, Г ва Д).

«А» ҳамда «Б» тоифалар портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд корхоналардир.

«В» тоифасига фақат ёнғин хавфи мавжуд корхоналар киради. Улар «А» ва «Б» тоифаларида учрамайдиган ёнувчи суюқлик, чанг ва толалар, каттиқ ёнувчи модда ҳамда материаллар мавжудлиги билан характерланади.

«Г» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материалларни иссиқ, чўғланган ёки эриган ҳолда ишлайдиган, иш жараёнида нурсимон иссиқлик ажраладиган учкун, аланга чиқиб турадиган, шунингдек, каттиқ, суюқ ва газсимон ёқилғи ёқиладиган цехлар киради. «Д» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материаллар совуқ ҳолатида ишлатиладиган цехлар киради.

Ёнувчи суюқлик, газ ва буғлар ёнилғи сифатида ишлатиладиган ёки шу хонанинг ўзида ёқиб утилизация қилинадиган жараёнлар, шунингдек, технология жараёнида очиқ алангадан фойдаланиладиган корхоналар «А», «Б» ва «В» тоифаларига кирмайди. Омборлар, уларда сақланадиган материалларнинг ёнғин жиҳатидан қанчалик хавфли бўлишига қараб тоифаларга ажратилади.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган барча ускуналар ёнғин ва портлаб кетиш жиҳатидан хавфсиздир. Лекин, бу ускуналар ишлаб чиқаришнинг ёнғин ва портлаш хавфи бўйича турига мос равишда тўғри танлангандагина хавфсизликни таъминлай олади. Ишлаб чиқариш хоналарининг «электр ускуналарини ўрнатиш қоидалари»га риоя қилинган ҳолдаги ёнғин ва портлаш хавфсизлигини таъминлаш учун махсус гуруҳлар ишлаб чиқилган.

Портлаш бўйича хавфли хоналарнинг гуруҳлари. В-1 гуруҳига фақат ҳалокат ҳолатидагина эмас, балки оддий иш шароитида ҳам ёнувчи газ ёки буғларнинг ҳаво ёки бошқа оксидловчилар билан қўшилганда аралашма ҳосил қиладиган хоналар мансубдир. Масалан, енгил алангаланувчи ва

ёнувчи суюқликларни очик идишларга сақлаш, бир идишдан бошқа идишга ёки аппаратларга куйиш ишлари бажарилаётган ва бошқа хоналар.

В-1а га оддий фойдаланиш шароитида ёнувчи газ ёки буғларнинг ҳаво билан ёки бошқа оксидловчилар билан аралашмаси портламайдиган, балки фақат ҳалокат ёки бузилган ҳолдагина портлаш мавжуд бўладиган хоналар мансубдир.

В-1б га юқоридаги В-1а синфига мансуб, лекин қуйидаги хусусиятлардан бири мавжуд бўлган: ёнувчи газларнинг пастки портлаш чегараси баланд (15 % ва ундан ортиқ) ва йўл қўйилса бўладиган концентрацияларда ўткир ҳидли; ҳалокат ҳолатларида умумий портлаш консентарцияси тўпланмайдиган, балки маҳаллий портлаш концентрациясигина тўпланиши мумкин бўлган; енгил алангаланувчи ёнувчи газлар ва ёнувчи суюқликлар кам миқдорда сақланувчи хоналар, ишлар ҳаво сўрувчи шкафларда ёки сўрувчи зонтлар остида олиб борилувчи хоналар киради.

В-1г – ҳалокат ёки бузилиш орқали таркибида портлаш хавфи вужудга келадиган газ, буғ ва енгил алангаланувчи суюқликлар мавжуд бўлган ташқи (хоналардан ташқарида ўрнатилган) қурилмалар.

В-II – фақат ҳалокат ҳолатида эмас, балки меъёрий қисқа иш маромида ҳам ҳаво ва бошқа оксидловчи моддалар билан портлаш хавфи мавжуд аралашмалар ҳосил қила оладиган, учиб юрувчи чанг ҳамда толалар ажралиб чиқадиган хоналар.

В-IIа – юқоридаги В-II синфига хос, лекин нормал эксплуатация шароитида хавфли ҳолат вужудга келтирмайдиган, фақат ҳалокат ёки бузилгандагина хавфли ҳолат вужудга келтириш мумкин бўлган хоналар.

Ёнгин хавфи бўйича хоналарнинг тоифаланиши. II-I – чақнаш ҳарорати 45⁰С дан юқори бўлган ёнувчи суюқликлар ишлатиладиган ёки сақланадиган хоналар. II-II – ҳавода учиб юриш ҳолатига ўтадиган ёнувчи чанг ёки хом ашёлар ажралиб чиқадиган хоналар. Бу ерда пайдо бўладиган хавф, чанг ёки хом ашёнинг физик хоссаларига кўра ёки иш шароитида улар

концентрациясининг портлаш хавфи туғдириш даражасида етарли бўлмаслиги ёнғин (портлаш билан эмас) билан чегараланади.

П-Ша – юқоридаги П-Ш тоифага хос хусусиятлардан мустасно бўлган қаттиқ ёки ёнувчи моддалар сақланадиган ёки ишлаб чиқариш ва омбор хоналари.

П-Ш – буғларнинг чакнаш ҳарорати 45°C дан юқори бўлган ёнувчи суюқликлар ҳамда ёнувчи қаттиқ моддалар ишлатиладиган ёки сақланадиган ташқи ускуналарни ташкил этади.

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир меҳмонхонада ёнғин хавфсизлиги чораларига юқори даражада эътибор қаратилиши лозим.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Халқаро туризмнинг мамалакат иқтисодиётидаги муҳим тармоқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда ҳам бу соҳани ривожлантириш, уни ўрганиш туризм имкониятларидан самарали фойдаланиш ва миллий туризм моделини шакллантириш зарурий ишлардан биридир. Миллий туризм моделини шакллантиришда ички имкониятларни ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир деб ўйлаймиз.

Турмаҳсулотларимиз кам истеъмол қилинадиган бозорлардаги туроператорларга нисбатан ўрнатиладиган муносабатларга қуйидаги устивор йўналишларни белгилашимиз мумкин:

- ўзлаштирилаётган бозордаги янги ҳамкор туроператорларни Ўзбекистонга янада юқори баҳо беришга ишontiриш;
- туристларнинг қизиқишини ўрганган ҳолда, махсус йўналишлар, дастурлар тузиш, чартер рейсларини амалга ошириш;
- қамкорликда ишлаётган туроператорлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар етарли даражада бўлмаётганини билиб қолса, ушбу хизматларни оширишга ва уларни ахборот билан таъминлаш, пайдо бўлган муаммоларни биргаликда ечимини топишга эришиш лозим.

Ўзбекистонда туризм индустриясини ривожлантиришда қуйидаги омилларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим деб биламиз:

- халқаро туризмда кичик тадбиркорликни фаолиятдан кенг фойдаланиш;
- Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари билан чет эллик инвесторларни таништириш;
- кўплаб саёқатларга чиқадиган Европа мамалакатларда бўладиган туристик ярмаркаларда сурункали иштирок этишни таъминлаш;
- ички туристик бозорда ўзаро рақобатни янада кучайтириш;
- замонавий туристик комплексларни бунёд этишда чет эл сармоясини жалб этишга эришиш:

- жақон бозорида талаб катта бўлган халқаро туристик йуналишларни йўлга қўйишда ва ишлаб чиқишда қатнашиш:

- миллий урф одатлар ва тарихий архитектура ёдгорликларини асл кўринишда сақлаб қолишига эришиш:

- миллий туристик мақсулотларни ягона маркага бирлаштириш:

- туризм соқаси учун малакали мутахасисларни тайёрлашни такомиллаштириш:

Халқаро туризм бозорида хизматлар ва мақсулотларни ўтказиш каналининг чекланганлиги туризмнинг тижорат соқасидаги бир қанча йўқатишларни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири қисобланади. Авваламбор, шунини қисобга олган қолда, Ўзбекистонда туризм соқасида қўйидаги тадбирларни амалга оширишга катта эътибор қаратиш лозим:

- мақсулотни ўтказишнинг турли хил каналлари ва воситачик шакллари аниқлаш мумкинлигини инобатга олган қолда, ушбу сотув тизимини тўлиқ таснифлаб чиқиш, янги каналларни зудлик билан ўзгартириш ва керакли маблағ билан кечиктирмасдан таъминлаш.

- воситачиларнинг шаклларига кўра қилинадиган харажатларни тақлил қилиш ва икки томонлама манфатларидан келиб чиққан қолда қамқорликни янада ривожлантириш.

- воситачиларни тақлил қилинаётган хизматларга нисбатан аниқ ахборотга эга бўлишини ўз вақтида таъминлаб туриш.

- тақлил буюраётган туристлар орқали воситачиларнинг маъқеи ва ақамияти тўғрисидаги фикрларни ўрганиш, турли анкета саволларини тузиш.

Туристтик хизматлар асосини ташкил қиладиган меҳмонхона хизматлари маркетинги маъжуд меҳмонхона хўжалигини ривожлантириш, меҳмонхона бозоридан фаол фойдаланиш учун мувофиқ бўлган янги ўринларни очиш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш технологиясини ва ажратилиши режалаштирилаётган инвестициялар қисоб-китобини ўз ичига олади.

–хусусий ва давлат сектори вакиллари иштирокида Ўзбекистонда туризм индустрияси ривожланишидаги муаммолар ва масалалари бўйича

маслақатлашув кенгашини ташкил қилиш;

–Ўзбекистоннинг туризм бўйича маркетингига жалб қилинган барча манфаатдор томонларнинг мунтазам равишда йиғилишлар ўтказишлари ўта муқимдир;

–Ўзбекистон меҳмонхоналар индустриясининг "Меҳмонхоналар учун инвестицияларни жалб қилишда асосий эътибор ўрта тоифадаги (уч юлдузли) катта бўлмаган (ўрта қисобда 200 та ўринга мўлжалланган) меҳмонхоналарни қуришга қаратилиши лозим. Бу мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш, ҳажми деярли катта бўлмаганлиги сабабли молиялаштириш осонроқ бўлишига, фойдаланиш ва бошқариш жараёнида харажатларни камайтириш, шунингдек, ўрта даражада тайёргарликдан ўтган мутахассислар учун ҳам бошқара олиш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан "Камила" меҳмонхонасида бошқарув тизими фаолияти ва ишлаб чиқариш хусусиятларини ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ва бошқариш муаммолари ўрганиб чиқилди ҳамда қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

1. Хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатини янада кенгроқ амалга ошириш. Бунинг учун хусусий тадбиркорлик ривожини таъминлаб берувчи инфраструктурани ривожлантиришни ташкиллаштириш, умумий муваффақиятли иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шароитларни яратиб бериш лозим бўлади. Аввало, мазкур инфраструктурани самарали ташкил этиш тадбиркорларга «яшаб қолиш иммунитетини» ишлаб чиқаришга, мураккаб бозор иқтисоди шароитида яшаши ва ривожлантиришига ёрдам беради. Бу ўз навбатида давлат томонидан қўллаб-қувватлашни талаб этади. Мазкур соҳанинг ривожини бандлик муаммосини ҳал этишга, республикада хусусий тадбиркорликнинг тараққиётига муҳим туртки бўлади.

2. Туризм соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг турли йўналишлари мавжуд бўлиб, улардан қуйидагилар Ўзбекистон шароитида

истикболга эга. Бунга кўра, хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланишда давлат мадади тизимида кичик корхоналарни ўстирувчи махсус «инкубаторлар»ни ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу «инкубаторлар»нинг кўриниши қуйидагича: кичик корхоналар давлатга қаршли ёки давлат ижарага олган ишлаб чиқариш майдонларида унча қиммат бўлмаган ижара ҳақи эвазига зарур майдон, жиҳозлар ва хатто марказлашган бухгалтерия ҳамда бошқарув хизматини олишлари мумкин. Буларни ҳаммаси бу хизматларни ўзи «оёққа туриб олгунига қадар, ўзи мустақил ҳолда зарур ишлаб чиқариш майдонларини сотиб олиш ёки ижарага олиш ва ўзининг жами хўжалик фаолиятини бажаришга қодир бўлишига қадар фойдаланилади. Мазкур тажрибанинг амалиётга тадбиқ этилиши Ўзбекистон шароитида бир қатор афзалликларга эга. Чунки республикада хусусийлаштириш жараёни жадал амалга оширилаётган пайтда йирик корхоналар қошида бир нечта кичик корхоналарни ташкил этиш, уларни маълум муддатга қувватлаб туриш истиқболли ҳисобланади. Ишлаб чиқаришини йўлга қўйгач, бу кичик корхоналар мустақил фаолият кўрсатиши учун имконият туғилади.

Шу ўринда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг Жанубий Корея тажрибаси диққатга сазавор. Бу тажрибага кўра, давлат томонидан тадбиркорларга ишлаб чиқариш бинолари, жиҳозлар ва ускуналар 30-35 йилга узоқ муддатли имтиёзли ижарага берилган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам туризм соҳасидаги тадбиркорларга бинолар, жиҳозлар ва ускуналарни 10 йилгача муддат билан имтиёзли ижарага берилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

3. Инвестиция муҳитида ҳам миқдор (барпо этилаётган корхоналар миқдори ва инвестиция чиқариш ҳажмининг ўсиши), ҳам сифат (инвестициянинг ишлаб чиқариш экспорти ҳам корпорациялар даражасида, ҳам давлат даражасида интеграциянинг янада мураккаброқ шаклларига ўтиши) ўсишлари кузатилмоқда. Бугунги кунда туризм соҳасида қўшма корхоналар ташкил этиш катта истиқболларга эга, яъни:

- хизмат кўрсатишнинг ихтисослашуви ва кооперация шаклларнинг ривожланиши, чуқурлашуви, туризм ривожланишининг объектив эҳтиёжларини тақозо қилади;

- ташқи иқтисодий ҳамкорлик бошқа шаклларга караганда, иштирокчиларга бир қатор ўзаро фойдали афзалликлар беради.

Корхонага ташқи инвестицияларни жалб этиш жараёнини жадаллаштириш учун хорижий инвесторлар (ташқи инвестиция) билан ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур. Бунинг учун хорижий инвестор билан қўшма корхона тузиши мумкин. Чунки " Камила" ўз маҳаллий бозорида мавқеи мустаҳкам бўлиб, маълум истеъмолчиларга эга. Бу эса хорижий шерикларни қизиқтириши мумкин. Бундан ташқари кредит ҳисобига ҳам янги меҳмонхона биносини қуриш ва сифатли янги меҳмонхона хизматларини йўлга қўйиши керак.

4. Корхона ўз стратегиясини аниқ белгилаб олгач, илмий тадқиқотлар асосида маркетинг, реклама ва ишлаб чиқариш жараёни қайта кўриб чиқилиши зарур. Бунинг натижасида корхона хизматлар структурасини оптималлаштириш имконияти туғилади. Корхона ўз хизматлари рекламасини оммавий ахборот тарқатиш воситаларида (радио, телевидение, газета) ташкил этиши керак. Бундан ташқари турли кўринишдаги реклама буклетлари, хизматлар каталогларини нашр этириш керак. Шу билан бирга маҳаллий ва республика доирасида махсус кўргамалар ташкил этиши, ўз хизматларини намойиш қилиши мақсадга мувофиқ.

5. Корхона ўз ходимларини мотивлаштиришда рағбатлантиришнинг замонавий ёндашувларини кенг қўллаши талаб этилади. Хусусан бошқарувда иштирок этиш, фойда тақсимоти, мукофотлаш тизимларини такомиллаштириш ходимларни фаолятга ундашнинг асосий йўналиши қилиб белгиланиши талаб этилади.

Халқаро туризмни ташкил қилишда мунтазам равишда янги технологиялардан фойдаланиш ва турфирмаларни энг мухим информацион

ахборотлар билан таъминлаб туриш зарурдир, чунки хозир янгиликларни уз вақтида узлаштирни замон талаб килмоқда.

Юқорида берилган ҳар бир таклиф ва хулосалардан кузланаётган асосий мақсад Ўзбекистонни ҳам туризми ривожланган давлатлар қаторида кўриш, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрўсини кўтариш, дипломатик муносабатларни ривожлантиришдан иборатдир. Мазкур диссертация муаллифнинг Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияланиши, ўзига муносиб ўрин эгаллашига баҳоли қудрат ҳисса кўшиш мақсадида қилинган камтарона уриниши бўлиб, келгусида бу борадаги изланишлар кўпчилик тадқиқотчилар томонидан кенг кўламда олиб борилишига умид билдирамыз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: "Ўзбекистон", 2011
2. "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари.-Т.: Адолат, 2000, 131-140 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

3. "Ўзбектуризм" МКсининг ташкил топиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // "Халқ сўзи", 1992 йил 27 июль.
4. "Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада Халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора –тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги 1162 рақамли Фармони. // "Халқ сўзи", 1995 йил 3 июнь.
5. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 15.04.1999 йилдаги ПФ-№2286 фармони. //Халқ сўзи, №74. 1999. 16 апрель

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

6. "Туристлик ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 346 сонли 8 августда қабул қилинган Фармойиши. // "Халқ сўзи" газетаси, 1998 йил 9 август.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов маърузалари ва асарлари

7. И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. -56 б.
8. Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

9. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси. – “Халқ сўзи” газетаси.
10. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тарақиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).
11. И. Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тарақиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. .”Халқ сўзи”, 2011 йил 22 январь.

V. Махсус адабиётлар, рўзномалар ва журналлардаги мақолалар

18. Тухлиев Н. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития.-Т.: Гос. Науч. Изд-во “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006.-416 с.
19. География туризма: учебник / кол. авторов; под ред. А. Ю. Александровой.- М.: КНОРУС, 2008.-592 с.
20. Жулидов С.Б. The Travel and Tourism Industry: учеб. пособ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. -207 с.
21. Квартальнов В.А. Туризм: учебник.-2-е изд., перераб.- М.: финансы и статистика, 2007.-336 с.
22. Косолапов А.Б. Туристское страноведение. Европа и Азия: учебно – практическое пособие. – 2-е изд., стер. / А.Б. Косолапов. – М.: КНОРУС, 2006. – 400 с

23. Пардаев А, Норчаев А. Халқаро туризм. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2010, - 320 б.
24. География туризма: учеб. /кол. Авторы; под ред. А.Ю. Александровой. 2-е изд., испр. и доп. - М.: КНОРУС, 2009. – 592 с.
- 25 Косолапов А.Б. Технология и организация туроператорской и турагентской деятельности: учеб. пособ. - М.: КНОРУС, 2008. – 288 с.
- 26.Леннон Дж. Д., Смит Х., Кокерелл Н., Трю Д. Управление индустрией туризма. Лучший опыт деятельности национальных организаций и агентство по туризму. – М.: «Группа ИДТ», 2008. – 272 с.
- 27.Тимохина Т.Л. Организация приема и обслуживания туристов: учебное пособие. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 352 с.
- 28.Скобкин С.С. Менеджмент в туризме: учеб. пособ. – М.: Магистр, 2007. – 447 с.
- 27.Каримов И., Ахмадхўжаев Р. Туризмда коммуникация. - Т.: ТДИУ, 2007, - 180 б.
29. Дурович А. П. Маркетинговые исследования в туризме: Учеб. пособ. — СПб.: Питер, 2008. — 384 с
30. Адылова З., Норчаев А., Алиева М. Туризм менежменти. Ўқув қўлланма - Т.: ТДИУ, 2009, - 180 б.
- 31.Қутлимуротов Ф. Туризм иқтисоди. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2009,- 220 б.

VI. Статистик тўпламлари

32. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.
33. Экономический вестник.
- 34.Основные показатели развития туризма в 2009 г. ЮНВТО. –Мадрид, 2010, -30с.
35. Tourism: 2020 vision. -Madrid, 2010, - 21 p.
36. “Ўзбектуризм” МК йиллик ҳисоботлари

VII. Интернет сайтлари

37. www.peugeotufa.ru

38. www.bashexpo.ru
39. www.interunion.ru
40. www.world-tourism.org
41. www.ziyonet.uz
42. www.sies.uz
43. www.e-tours.ru
44. www.travel-library.com